



ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси

TOSHKENT HAQIQATI

1928 йил 11 декабрда асос солинган • 2003 йил 20 декабрь, шанба • №102 (11.593)

Эркин нархда сотилади

ҚАРДОШЛИКНИНГ АМАЛИЙ ИФОДАСИ



19 декабрь кўни Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Дўрмон" қароргоҳида расмий ташриф билан мамлакатимизга келган Туркия Республикаси Бош вазирини расмий кутиб олиш маросими бўлди. Юксак мартабали меҳмон шарафига фахрий қорувул саф тортди. Ислон Каримов ва Режеп Эрдоган шохсупага кўтарилди. Давлат мадҳиялари янгради. Ўзбекистон Президенти ва Туркия Бош вазирини фахрий қорувул сафи олдида ўтди.

Шундан сўнг Ислон Каримов ва Режеп Эрдоганнинг яккама-якка суҳбати бошланди. Мулоқот чоғида Ўзбекистон билан Туркия ўртасида савдо-иқтисодий ва сиёсий ҳамкорлик, ҳарбий ва ҳарбий-техникавий соҳадаги алоқалар, томонларни қизиқтирган бошқа халқаро масалалар юзасидан атрофлича фикр алмашилди.

Учрашувлар якунида уюшти-

рилган матбуот анжуманида таъкидланганидек, икки мамлакат ўзаро муносабатларни ривожлантириш масалаларида ҳамфикр, муҳокама этилган халқаро муаммолар борасида қарашлари ўхшаш ёки яқин.

Ташрифнинг ўзидан кўзланган мақсад эса ҳамкорликни янги поғонага кўтаришдан иборат. Бунинг учун барча асослар етарли. Икки мамлакат ўртасида муносабатларнинг мустақам ҳуқуқий пойдевори яратилган. Бу асос Абадий дўстлик ва ҳамкорлик тўғрисидаги шартнома ҳамда сиёсий, савдо-иқтисодий, илмий-техникавий, ҳарбий ва ҳарбий-техникавий алоқалар, террорчилик ва гиёҳванд моддаларнинг ноқонуний савдосига қарши биргаликда кураш, ҳуқуқий ёрдам, соғлиқни сақлаш, транспорт, сайёҳлик, маданият каби соҳаларни қамрайдиган жами етмишдан зиёд ҳужжатдан иборат.

Халқаро ташкилотлар доирасидаги ҳамкорлик ҳам фаол ривожланмоқда. Айни пайтда Ўзбекистон БМТ Хавфсизлик кенгашининг 2009-2010 йиллардаги нодоимий аъзолигига Туркиянинг номзодини қўллаб-қувватлаш тўғрисидаги ушбу мамлакатнинг расмий мурожаатини кўриб чиқмоқда. Ўзбекистон 2003 йили Руанда бўйича Халқаро трибунал, ЮНЕСКОнинг Ижроия кенгаши ва Жаҳон мероси кўмитаси, Жаҳон сайёҳлик ташкилоти Ижроия кенгашига бўлган сайловларда Туркияни ёқлади. Туркия Халқаро коммуникацияни ривожлантириш бўйича дастурнинг Ҳукуматлараро кенгаши аъзолигига Ўзбекистон номзодини қўллаб-қувватлади.

Икки мамлакат ЕХТ, НАТОнинг "Тинчлик йўлида ҳамкорлик" дастурида, Евроатлантика ҳамкорлик кенгаши доирасида

(Давоми 2-бетда).

САДОҚАТ

Бу сўз замирида Ватанга, халққа содиқ бўлиш, юрт сарҳадларини ҳимоя қилиш, демокки, зиммадаги муқаддас бурчни бажариш тушунчаси ётади. Мамлакатимизда 2003 йилнинг 15 декабридан бошлаб 14 январь — Ватан ҳимоячилари кўнига бағишлаб ўтказилаётган оммавий-ватанпарварлик тадбирлари ойланинг бош шори ва ундан кўзланган мақсад ҳам ёшларимизни она-Ватанга садоқат ва меҳр-муҳаббат руҳида тарбиялашга қаратилган.

Шу муносабат билан вилоят ҳокимининг «Ватан ҳимоячилари кўни»га бағишланган «Оммавий ватанпарварлик ойлани»ни ўтказиш чора-тадбирлари ҳақидаги фармойиши қабул қилинди ва ойлик муносабати билан вилоятда амалга ошириладиган тадбирлар дастури ҳамда уни амалга оширувчи ташкилий кўмита таркиби тасдиқланди.

2003 йилнинг 15 декабридан 2004 йилнинг 14 январига қадар ўтказиладиган ойлик давомида режалаштирилган тадбирлар, учрашувлар ва ҳаракатларда мудофаага кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилоти билан биргаликда вилоят ҳокимлигининг бўлим ва бошқармалари, шаҳар, туман ҳокимликлари, «Маънавият ва маърифат» Кенгаши, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, «Маҳалла», «Нуроний», «Шаҳидлар хотираси» жамғарма-

(Давоми 2-бетда).

ИЛМИЙ ТАФАККУР ХАЗИНАСИ

O'zbekiston
Respublikasi
Fanlar
Akademiyasi

60

Халқимизнинг юксак илмий-ижодий тафаккури, аждодларимизнинг ақл-заковати мужассамланган Ўзбекистон Фанлар академиясининг Ватанимиз тараққиётига қўшаётган ҳиссаси ниҳоятда бебаҳодир. Ўзбек давлатчилиги тарихи билан узвий боғлиқ ҳолда қадим замонлардаёқ шаклланган Маъмун академияси, Самарқанд, Бухоро, Тошкент воҳаси ва Фарғона водийси каби илм марказлари шаклланди. Алломаларимиз яратган бой илмий мерос ва маданий аналар, мустақиллик йилларида Ўзбекистон Фанлар академияси миллий ва умумбашарий илм-фан хазинасига қўшаётган ҳиссалари жаҳонда кенг эътироф этилмоқда. Бугун халқимизнинг ноёб истеъдоди ва интеллектуал салоҳияти янги куч билан намоён бўлаётир. Олимларимиз фундаментал тадқиқотлар қўламини кенгайтириб, замонавий илм-

фанни мамлакат равнақига хизмат қилдираётирлар.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг 60 йиллигини нишонлаш тўғрисида»ги қарорида мамлакатимизда юксак технологияларни яратиш ва ривожлантириш, тадқиқотлар самараларини юртимизнинг техника-иқтисодий ва ишлаб чиқариш салоҳиятини кўтариш учун хизмат қилдиришга қаратилган тадбирлар мажмуаси кўзда тутилмоқда. Бинобарин, юбилей тантаналари фақат эришилган натижалар сарҳисоби эмас, балки илм-фан равнақининг яқин ўн йилликлардаги асосий йўналишларини белгилашда ҳам муҳим ўрин тутди.

(Ўзбекистон Фанлар академиясининг 60 йиллигига бағишланган материалларни газетанинг 3-саҳифасида ўқинг).

Изланиш, ташаббус, тажриба

БЕШИНЧИ ОМИЛ

Чиназ тумани механизаторлари мавжуд барча техника воситаларини барвақт тўла таъмирдан чиқариб, кузги шудгорни ҳам вилоятда биринчи бўлиб якунладилар

Биз Чиноз тумани пахтакорларининг ғалабасига бағишлаб, газетамизнинг шу йил 1 ноябрь сонидида чоп этилган мақолада муваффақиятларнинг тўртта омили тўғрисида ҳикоя қилган эдик. Таъбир жоиз бўлса, техникага муносабат, уни ўз вақтида таъмирлаш, авайлаб-асраб, оқилона фойдаланиш бу ютуқларнинг бешинчи омилидир.



(Давоми 6-бетда).

«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» — СИЗНИНГ ГАЗЕТАНГИЗ!
Обуна бўлдингизми?

Эслатиб ўтамиз:
бизнинг индекс —
205.

ҚАРДОШЛИКНИНГ АМАЛИЙ ИФОДАСИ

ҳамкорликни изчил ривожлантирмоқда. Туркиянинг Тошкентдаги элчихонасига 2002 йилнинг августидан 2004 йилнинг июлига қадар НАТОнинг Ўзбекистон билан алоқалар бўйича ваколатхонаси вазифасини бажариш топширилган.

Савдо-иқтисодий ҳамкорлик сармояларни ўзаро рағбатлантириш ва ҳимоялаш, икки томонлама солиқ солишга йўл қўймаслик тўғрисидаги битимлар билан мувофиқлаштирилади. Икки мамлакат ўртасида божхона тўловлари бўйича мумкин қадар қўлайлик яратиш тартиби жорий этилган. 2002 йили ўзаро товар айирбошлаш ҳажми салкам 200 миллион АҚШ долларини ташкил этган бўлса, жорий йилнинг ўн ойида бу борадаги кўрсаткич ўтган йилдаги айни даврга нисбатан 41,3 фоиз ошди.

Ўзбекистон билан Туркия ўртасида савдо-иқтисодий муносабатларни ривожлантириш мақсадида амалий ҳамкорлик кенгаши тузилган.

Айни пайтда умумий қиймати салкам 1 миллиард долларлик 16 лойиҳа биргаликда амалга оширилмоқда. Бу кредитларнинг ярмини Туркия Эксимбанки берган. Музокарада Режеп Эрдоган Туркия ҳукумати мазкур банкнинг Ўзбекистон лойиҳаларидаги иштирокини бундан буён ҳам қўллаб-қувватлаб, рағбатлантиришини таъкидлади.

Ҳозирги кунда Ўзбекистонда Туркия сармоядорлари билан ҳамкорликда тузилган 244 қўшма корхона фаолият кўрсатмоқда. Ташқи иқтисодий алоқалар агентлигида 39 турк компаниясининг ваколатхонаси рўйхатдан ўтказилган.

1995 йилдан мамлакатимизда Туркия Бош вазири котибяти ҳузуридаги Халқаро ҳамкорлик ва тараққиёт агентлиги, Ўзбекистон ва Туркия тадбир-

(Давоми. Боши 1-бетда).

корлари иттифоқининг ваколатхоналари фаолият юритмоқда. Улар икки томонлама ҳамкорликнинг иқтисодий, техникавий, ижтимоий, маданий ва маърифий дастурларини амалга ошириш билан шуғулланади.

Мамлакатларимиз қишлоқ хўжалиги, таълим, соғлиқни сақлаш, фан-техника, маданият, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, сайёҳлик соҳаларида ҳам ҳамкорлик алоқаларини ривожлантирмоқда.

Ислом Каримов ва Режеп Эрдоганнинг мулоқоти икки мамлакат делегацияларининг музокарасида янада кенг кўламли давом этди. Томонлар муносабатларнинг бугунги босқичини таҳлил этар экан, ҳали ишга солинмаган имкониятлар қўллигини таъкидлади. Туркия томони Ўзбекистондаги иқтисодий ислохотларни мамнуният билан кузатиб келаётганини билдириб, жумладан, миллий валютамизнинг жорий халқаро операциялар бўйича конвертацияси йўлга қўйилгани ишбилармонлар ҳамкорлиги учун янги имкониятлар яратишини қайд этди.

Иш одамларининг бордикелдиси ва транспорт қатновини ривожлантириш учун шароитни янада яхшилаш масаласи муҳокама қилинди. Келаси йил Туркияда ҳукумат вакиллариининг транспорт соҳасидаги ҳамкорлик масалаларига бағишланган учрашувини ўтказишга келишиб олинди.

Томонлар Афғонистондаги тикланиш ишларида қайси йўналишда ҳамкорлик қилиш ҳақида ҳам фикрлашди. Европадан Афғонистонгача бўлган транспорт коммуникацияси тармоғини ривожлантириш, хусусан, 2004 йилда Тошкентда бу масалага бағишлаб халқаро анжуман уюштириш юзасидан фикр алмашилди.

Режеп Эрдоган ҳукуматга раҳбарлик қилаётганидан буён ўтган 13 ой давомида Туркия-

дан салкам 60 мамлакатга расмий делегация юборилган. Лекин Туркия ҳукумат делегациясига ҳеч бир мамлакатда Ўзбекистонга келганичалик кўп ишбилармон ҳамроҳлик қилгани йўқ экан. Бу, албатта, томонларнинг ҳамкорликни ривожлантиришга кучли иштиёқи, хайрли хоҳиш-иродасидан далолатдир. Шу боис музокара давомида, кейин матбуот анжуманида тили, дини ва дили бир халқларимизнинг қардошлиги сўзда эмас, амалда намоён бўлиши лозимлиги таъкидланди.

Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов ва Туркия Бош вазири Режеп Эрдоган музокара яқунлари бўйича Қўшма баёнотга имзо чекди. Икки томонлама муносабатларнинг ҳуқуқий пойдеворига халқаро терроризмга қарши кураш соҳасида ҳамкорлик ва дипломатик паспорт эгалари учун визаларни бекор қилиш тўғрисидаги ҳукуматлараро битимлар ҳам қўшилди.

Журналистлар билан учрашувда томонлар қўрилган масалалар юзасидан фикр билдирар экан, Туркия Бош вазирининг ташрифи ва унинг яқунларида юқори баҳо берди. Ислом Каримов учрашувлар ўзаро муносабатларни ривожлантиришга янги туртки беришига тўла асос борлигини қайд этди.

Келаси йил декабрда Туркиянинг Европа Иттифоқига қабул қилиниши билан боғлиқ масалалар кўтарилди. Ўзбекистон бу борада Туркияни қўллаб-қувватлайди. Зеро, ташқи сиёсатининг устувор йўналишларидан бири Евроосиёда улкан савдо макони яратишга ҳисса қўшиш бўлган Туркиянинг ЕИ сафидан жой олиши Европани Марказий Осиёга яқинлаштиришда муҳим омил бўлади.

Президент Ислом Каримов террорчиликка қарши кураш мавзусига тўхталиб, яқинда Ис-

танбул шахрида рўй берган қўпуровчилик ҳаракатлари муносабати билан Туркия халқи ва ҳукумати яна бир бор ҳамдардлик изҳор этди. Кутилмаган пайт ва кутилмаган жойда содир этиладиган бундай мудҳиш воқеаларнинг олдини олиш мушкул, лекин ўлимни бўйнига олган террорчиға қарши кураш – ишнинг ярми, холос. Унинг миясини заҳарлаётган, қўпуровчиларни тайёрлаб, хунрезликни молиялаштираётган манбаларни йўқотмоқ зарур, деди Ўзбекистон Президенти.

Режеп Эрдоган Ўзбекистон раҳбарининг террорчиликка қарши кураш борасидаги саъй-ҳаракатларига юқори баҳо берди ва Туркия бу борада мамлакатимиз билан ҳамкорликни изчил ривожлантириб бораверишини таъкидлади. Ўзбекистоннинг хавфсизлиги Туркиянинг хавфсизлигидир, деди меҳмон.

"Дўрмон"даги учрашувлар ниҳоясига етган, Туркия Бош вазири "Интерконтиненталь" меҳмонхонасида икки мамлакат ишбилармон доиралари вакиллариининг анжуманида қатнашди. Режеп Эрдоган турк иш одамларининг йирик делегацияси иштирок этаётган бу тадбир қўллаб қўйишга келишувлар билан яқунлаштиришга ишонч билдирди.

Юксак мартабали меҳмон Олий Мажлис раиси Эркин Халилов билан учрашди. Мулоқот чоғида парламентлараро алоқаларни янада ривожлантиришга оид масалалар муҳокама этилди.

Режеп Эрдоган Хотира майдонида "Мотамсаро она" ҳайкали пойига гул қўйди. Темурийлар тарихи давлат музейини томоша қилди. Фахрий меҳмонлар китобига дастхат ёзиб қолдирди. В. Чкалов номидаги Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси давлат акционерлик жамияти фаолияти билан танишди.

Туркия Бош вазири 20 декабрь куни кўҳна Самарқандга ташриф буюради. У ерда шаҳарнинг қадимий обидаларини кўздан кечириш, "Сам-Кочавто" қўшма корхонасида олиб борилаётган ишлар билан танишиши кўзда тутилган.

Анвар БОБОЕВ,
ЎЗА мухбири.

Вилоят ҳокимлигида

АРЧА БАЙРАМИ

янги йилнинг бош
тадбири, болажонларга
қувонч улашувчи
асосий айёмдир

Дарҳақиқат, янги йилни арча байрамисиз тасаввур этиб бўлмайди. Шунинг учун ҳам унга алоҳида ёндошамиз, тайёргарлик кўрамиз.

Ҳар йилдагидек, вилоятимизда кириб келаётган 2004 йил арафасида шаҳар ва туманларда, корхона, ташкилот, муассасалар, боғча, мактаб ва ўқув юртларида арча байрамларини юқори савияда ўтказиш, бу тадбирлардан ҳеч бир кичкинтойнинг четда қолмаслигини таъминлаш учун қизгин ҳозирлик кўрилмоқда.

Вилоят ҳокимлигининг Ўзбекистон Республикаси «Президент арчаси» тадбирларини ўтказишга тайёргарлик қўриш ва уни ўтказиш ташкилий комиссиясининг йиғилишида ана шу масалалар яна бир бор қўриб чиқилди ва қўшимча тадбирлар белгиланди. Шаҳар ва туман ҳокимликларида 2003 йилнинг 29-30 декабрь кунлари ўз ҳудудларида ўтадиган «Президент арчаси» байрами тадбирларини ўтказишда асосий эътиборни «Меҳрибонлик уйлари» тарбияланувчилари ва кам таъминланган, кўп болали оилалар фарзандларига совғалар беришга ҳамда қаровчиларини йўқотган бирор боланинг байрамдан четда қолмаслигига қаратиш зарурлиги таъкидланди.

Бу йил «Президент арчаси» байрамининг бош вилоят тадбири Чирчиқ шаҳридаги «Кимёгарлар» маданият саройида ўтказилади. Бу ерга барча шаҳар ва туманлардан кичкинтойлар ташриф буюриб, томошалар кўрсатилади, уларга Ўзбекистон Республикаси Президенти номидан янги йил совғалари топширилади. Ушбу тадбирнинг юқори савияда ўтишини таъминлаш юзасидан республика «Маҳалла» жамғармаси, «Қамолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, «Соғлом авлод учун» жамғармасининг вилоят бўлими, «Вилоятсавдо», «Матлуботсавдо» хиссадорлик жамиятлари, «Тошвилтранс» ҳудудий уюшмаси, маданият ишлари бошқармаси, «Ўзбекнаво» эстрада бирлашмаси сингари қатор ташкилотларга белгиланган тадбирларни ўз вақтида бажарилишини таъминлаш вазифалари юклатилди.

Ҳуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига сайловлар

ОҚСОҚОЛДАН – ТАШКИЛОТЧИЛИК, МАСЛАҲАТЧИЛАРДАН – ЖОНБОЗЛИК

Вилоятимизнинг шаҳар ва туманларида ҳуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва маҳалла оқсоқоллари сайлови ҳал қилувчи паллага кирди. Шу йилнинг 19 декабрь ҳолатига Олмалик, Чирчиқ, Янгийўл шаҳарларида, Зангиота, Қибрай, Уртачирчиқ, Қўйичирчиқ, Оқкўрғон, Оҳангарон, Паркент, Юқоричирчиқ ва Янгийўл туманларида қўйи бошқарув органлари сайлови яқун-

ланди. Шунинг алоҳида таъкидлаш керакки, жойларда ўтказилган сайлов жараёнида кўпчилик овоз билан сайланган ҳуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, маҳалла ва кўрғон қўмиталари оқсоқолларининг юз фоизи мўқобиллик асосида ўтказилди. Умуман, вилоят бўйича қишлоқ, овул, ҳуқаролар йиғинлари ва маҳаллаларнинг 98 фоизиди сайлов ўтказилди.

Қорақўйли Бўка туманининг йирик, аҳолиси жиҳатдан ҳам олди қишлоқларидан ҳисобланади. Кейинги йилларда бу ерда аҳолининг яшаш шароитини яхшилашга, улар онг-шуурларини, маданий ҳамда ҳуқуқий савияларини ошириш билан бирга турмушнинг осойишта, фойзли ўтишига асосий эътибор қаратилмоқда. Аҳолига хизмат кўрсатувчи муассасалар фаолиятини тубдан яхшилаш, ижтимоий ҳимоялаш ҳамда қатор бошқа чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Қорақўйли қишлоқ ҳуқаролар йиғинида ўтган ҳисобот-сайлов йиғилишида вакиллар сўнги икки ярим йилда бажарилган ишлар бўйича раиснинг ҳисоботини тинглашди.

Нотик ўз сўзида бу давр ичида амалга оширилган ишлар, ма-

ҳалларни ободонлаштириш, кўчаларни озода сақлаш, ҳудудда жиноят ва ҳуқуқбузарликнинг олдини олиш, Оналар ва болалар йили, Қарияларни қадрлаш, Обод маҳалла йили давлат дастурларини бажаришдаги энг долзарб масалалар ҳақида ахборот берди.

Аҳоли орасидаги аҳиллик, меҳр-оқибатни сақлаш, тинч, осуда ҳаёт учун шароит яратишда маҳаллалардаги яраштирув комиссиялари, профилактика нозирлари ҳамда халқ посбонларининг меҳнатлари катта бўла-япти. Муҳим вазифалардан бири – воёга етмаганлар тарбияси, болалар спортини ривожлантириш ишлари жадаллаштирилди.

Қишлоқ аҳолиси 14 мингга яқинлашди. Бу эса, қўллаб масалалар ечимини кечиктирмай ҳал этишга ундайди. Маиший хизмат кўрсатиш соҳасининг салмоғи

ошишига туртки бўлди. Натижада сартарошхоналар 13 тага, пойафзал тузатиш устахонаси 8 тага, ун тортиш тегирмонлари 12 тага кўпайди. Тиббий хизмат кўрсатиш даражаси яхшиланди.

Бугунги давр, бугунги талаб ҳар биримизни изланувчанлик, фаоллик қобилиятига эришишга ундайди.

Ўтган икки ярим йил давомида ўз саъй-ҳаракатлари билан халқ орасида эътибор қозongan Қорақўйли қишлоқ ҳуқаролар йиғини раиси Рустам Хайдаров ҳисоботи қонқарли деб топилди. Вакиллар қатъий ишонч билдириб, уни бир овоздан янги муддатга яна сайлашди.

Ҳасанбой САЪДУЛЛАЕВ,
«Тошкент ҳақиқати»нинг
махсус мухбири.



САДОҚАТ

лари, халқ таълими, касб-ҳунар таълими, муҳофаа ишлари бошқармалари фаол иштирок этадилар. Белгиланган тадбирларнинг кўлами кенг. «Ватанпарвар» ўқув муассасалари, олий ва ўрта-махсус ўқув юртлари, лицей, коллежларда ҳамда мактабларда республикамиз Президенти Ислом Каримовнинг «Миллий армиямиз мустақиллигимизнинг, тинч ва осойишта ҳаётимизнинг мустаҳкам асосида маъруза ва суҳбатлар ўтказилади. Булардан ташқари, маҳалла ва қишлоқларда ҳуқаролар, ўқув муассасаларининг талаба ўқувчилари ўртасида Ўзбекистон Республикасининг рамзларига ҳурмат ҳиссини оширишга қаратилган учрашув ва суҳбатлар, улуг саркардаларимиз Амир Темур, Жалолiddин Ман-

губерди, Заҳриддин Бобурларнинг ҳаёти ва фаолияти ҳақидаги маънавият ва маърифат соатлари, ёшларимиз ўртасида турли миллий спорт мусобақаларини ўтказиш сингари қўллаб-ранг-баранг тадбирлар белгиланганки, бу ойликнинг асосий мақсадини таъминлашга хизмат қилади.

Вилоятимизда «Оммавий ватанпарварлик ойлиги» тантанали равишда очилди. Шу муносабат билан Чирчиқ шаҳридаги ҳарбий қисмда бўлиб ўтган йиғилишда шаҳар, туман ҳокимликлари вакиллари, барча ташкилот ва муассасалар ҳамда кенг жамоатчилик иштирок этди. Ана шундай тадбирлар вилоятнинг барча шаҳар ва туманларида, ўқув юртлари ва ташкилотларда ҳам бўлиб ўтди.

Ўз мухбири.

O'zbekiston
Respublikasi
Fanlar
Akademiyasi

60

ТАДҚИҚОТЛАР ТАРАҚҚИЁТ ХИЗМАТИДА

Институт 1933 йил ташкил этилган бўлиб, кимё соҳаси бўйича Ўзбекистондаги энг кекса илмий муассасадир. Шу йиллар мобайнида олимларимиз кўп қиррали фундаментал ва амалий тадқиқотлар олиб боришди. Унинг лабораториялари асосида ўсимлик моддалари кимёси (1956), Ўзбекистон кимё фармацевтика (1964), Полимерлар кимёси ва физикаси (1979) илмий-тадқиқот институтлари ташкил топди. Жамоамизда 3 академик, 18 фан доктори, 38 фан номзоди Ўзбекистон ёқилғи ва минерал хом ашёларини комплекс кимёвий қайта ишлашнинг илмий-амалий асосларини ишлаб чиқиш билан шуғулланмоқда.

Хозирги кунда институтимиз олимлари Фан ва технологиялар марказининг 7 та Давлат буюртмасини бажаришяпти.

Бу тадқиқотлар Ўзбекистоннинг янги конларидан олинаётган нефтларни чуқур қайта ишлашнинг самарали технологияларини ишлаб чиқиш ва қўшимча нефть маҳсулотларидан оқилона фойдаланиш, металлургия чикиндиларини қайта ишлаш технологияларини яратиш, рангли ва ноёб металлар ишлаб чиқаришда импорт ўрнини қоплашнинг долзарб муаммоларини ҳал қилишга қаратилган.

Марказий Қизилқум фосфоритлари асосида янги турдаги фосфорли ўғитлар, пахта ва галла ўсимликлари учун самарали дефолиантлар ва ўстириш стимуляторлари олишнинг самарали ва тежамкор технологиясини, енгил ва юқори ҳароратга чидамли қурилиш материалларини яратиш мақсадида сочилувчан вермикулит олиш технологиясини ишлаб чиқиш ҳам илмий-амалий изланишларимизнинг муҳим йўналишларидир. Институт ишланмаларидан кимё, металлургия, нефтни қайта ишлаш, озик-овқат, ёғ-мой саноатида, қишлоқ хўжалигида, қурилиш материаллари ишлаб чиқаришда муваффақиятли фойдаланилмоқда.

Ўзбекистоннинг мустақиллик йилларида фундаментал ва амалий тадқиқотлар ўзига хос ривож топди. Шу даврда маҳаллий хом ашё захираларини ишлатиш бўйича самарали технологиялар яратилди. Ноёб анжомлар, илмий ишлаб чиқариш салоҳияти, илмий ишларни олиб бориш ва амалиётга қўллашдаги катта тажрибалар олимларимизга амалий аҳамияти катта бўлган қатор муҳим натижаларни олишга имкон берди. Жумладан, юқори қовушқоқли нефтларни аралаштириш усуллари, нефть ва унинг маҳсулотлари учун самарали сувоқлаштирувчиларни олиш, газ конденсатидан эритувчилар, янги сиртфаол моддалар ва елимловчи материаллар ишлаб чиқариш технологиялари яратилди. Институт лаборатория-

ларида полиметалли хом ашёни ва металлургия саноати чикиндиларини қайта ишлаш усуллари топилди. Жумладан, металл сақловчи чикиндиларнинг темир купоросини, ишлатилган хром сақловчи эритмалардан хром оксидини ҳамда алюминийли чикиндилардан аммоний сульфатни олиш усуллари кўрсатиб берилди. Нефтьга йўлдош ва гидрометрал сувлардан йодни ажратиш олиш технологиясини яратиш эса Республикада йод тақчиллигини ка-

фоиз кўсаклар тўлиқ очилишини таъминлайди.

Институтимиз ишланмалари бир қанча ишлаб чиқариш корхоналарида қўлланилмоқда. Масалан, юқори карбонатли Қизилқум фосфоритларидан оддий суперфосфат ҳосил қилиш технологиясини олиб кўриш мумкин. Бу самарали ва арзон фосфор сақловчи ўғит – суперфосфатни олиш технологияси олимларимиз томонидан такомиллаштирилди. Учта патент билан муҳофазаланган



майтиришга қаратилган. Бунда йод пастасидан тоза кристаллик йод ва калий йоди олиш усули яратилди.

Институтнинг асосий йўналишларидан бири қишлоқ хўжалиги учун янги препаратлар яратишдир. Бу соҳада маҳаллий хом ашё захиралари асосида фосфорли, азотли ва комплекс ўғитлар олиш усули кўрсатиб берилди ва уларни қишлоқ хўжалигида ишлатишга тавсия этилди. Ўсимликларни ўстирувчи «Ҳосил» стимулятори олинди. Уни ишлатиш пахта ва дон ҳосилини 20 фоизгача оширишга олиб келади. «Сихат», «Мезон», «Нажот», «Сардор» каби универсал ва комплекс таъсир қилувчи дефолиантларни яратиш бўйича ишлар пахта ҳосилдорлигини кўтариб, уни териб олиш самарадорлигини оширишга қаратилган. Жумладан, гўза барглари 86-92 фоиз тўкилишини ва 90-95

янги технология ўзига хос. Айтилик, ҳозирги кунгача саноатда ишлатилаётган анъанавий камера усулида оддий суперфосфат олиш жараёни 4-6 кун давом этса, таклиф этилган технология бўйича барча технологик жараёнлар – фосфат хом ашёсини парчалаш, маҳсулотни нейтраллаш, дондорлаш ва қуриштиш махсус реактор-қурилмада 15-30 дақиқа мобайнида амалга оширилади. Янги технология бўйича барча технологик жараёнлар давомийлигининг кескин камайиши натижасида ўғит олиш таннархи 25-30 фоизга арзонлашди. 2001 йили Самарқанд кимё корхонаси мутахассислари билан ҳамкорликда оддий суперфосфат олишнинг тажриба-саноат қурилмаси тайёрланиб, ишга туширилди. 2001-2003 йилларда 40 минг тоннадан зиёд ўғит ишлаб чиқарилиб, қишлоқ хўжалигига етказиб берилди.

Охирги беш йил давомида Қўқоннинг «Мастона», «Фарғона-пиво», Янгийўлнинг «Агрофирма» акциядорлик жамиятлари ва бошқа корхоналар буюртмаси бўйича яратилган технология асосида 206 тонна универсал елим ишлаб чиқарилди.

Институтимиз ишланмаларининг амалий аҳамиятини таъкидлаб, мисол сифатида олимларимизнинг энг охирги ишланмаларидан бирини кўрсатиш мумкин. Маҳаллий хом ашёлар асосида яратилган янги модда патент билан муҳофаза қилинган ва ишлаб чиқаришга татбиқ этилган. 2001-2002 йилларнинг ўзига бу препаратни нефтни қайта ишлаш заводидagi иссиқлик алмашиш қурилмалари пластинкаларини тозалашда қўллаш натижасида 7 миллион сўм иқтисодий самара олинди. У четдан сотиб олинаётган алфа-фос препарати ўрнини тўлиқ боса оляпти.

Ўзбекистон Республикасининг мустақиллик йиллари мобайнида институтимизда 20 та докторлик ва 61 та номзодлик диссертациялари ҳимоя қилинди, 800 дан ортиқ илмий мақолалар, 16 та монография нашр этилди ва 136 та патент олинди.

Турли соҳалар бўйича бир қатор хорижий илмий марказлар билан ҳамкорликда тадқиқотлар олиб борилмоқда.

Чунончи, Дортмунд (Германия), Лион ва Элзас (Франция), Турин (Италия) университетлари, Россия Фанлар академияси Физика-кимё институтини билан микроговакли цеолит адсорбентларнинг адсорбцион хоссалари ўрганилмоқда.

Техас қишлоқ хўжалиги ва механика университети (АҚШ) билан Қизилқум фосфоритлари асосида бактериал ўғит олиш технологиясини яратиш муаммоси ҳал қилинапти.

Ҳа, мустақиллик йилларида олимларимизнинг илмий-амалий изланишлари кўлами кенгайиб, самарадорлиги ортмоқда. Шонли юбилей кунларида шуни таъкидлаш мумкинки, олимларимиз четдан олиб келиниб, халқ хўжалигида фойдаланилаётган кўпгина модда-материаллар ўрнини қопловчи янги-янги препаратларни яратиш, мамлакатимиз иқтисодий қудратини кўтаришга салмоқли ҳисса қўшмоқдалар.

Зокиржон САЛИМОВ,
академик, Ўзбекистон
Фанлар академияси
Умумий ва ноорганик кимё
институтининг
директори.

МУСТАҚИЛЛИК МЕВАСИ

Тошкентдан чиқиб, Салор кўпригидан ўтсангиз, кўёшга кўкрак кериб турган бинога кўзингиз тушади. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори билан 1992 йилда ташкил этилган Генетика ва ўсимликлар биологияси институти шу ерда жойлашган. Кейинчалик бу илм-фан даргоҳи Генетика институти ва «Биолог» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси ҳисобига кенгайиб, тадқиқотлар яна ҳам кўламли тус олди. Унинг лабораториялари ва бошқа тадқиқот базаларида яратилган «Тошкент» гўза навлари баъзи йиллари 1,5 миллион гектаргача майдонни эгаллади. Гўзанинг «АН-Боёвут-2», «Юлдуз», «Тошкент-6», «АН-402», «Армугон», «Гулбаҳор», «Дехқонбо-бо», «АН-512» ва бошқа янги навлари аини шу даргоҳда яратилиб, мустақил Ўзбекистон далаларига йўл олмоқда.

Институт олимларининг қизгин илмий-тадқиқот ишлари натижасида гўзанинг ботаник ва генетик коллекциялари, гўза биотехнологияси, гўза ва бугдойнинг трансген шакллари яратилди. Ген муҳандислиги биотехнологияси ишлаб чиқилди. Эндиликда олимлар ирсий касалликларни молекуляр хариталаштириш устида изланмоқдалар.

Бугунги кунда институт олимлари истиқболли бешта йўналиш бўйича фундаментал ва амалий изланишлар олиб боришапти. Улар келажақда қишлоқ хўжалик экинлари ва гўзанинг экологик тоза шакллари яратишга, пестицид ва радионуклид ифлосланишнинг генетик хавфлилиги даражасини аниқлашга хизмат қилади.

Ю. ЖУМАНИЕЗОВ.

ЗООЛОГЛАР — ИЗЛАНИШДА

Инсон ўзини қуршаб турган табиий муҳит оғушида мукамал ва тўқис ҳаёт кечири олади. Шу боис у ўсимлик ва ҳайвонот дунёсини, сув, tupроқ ва ҳаво мусоффолигини боқий сақлашга интилиб яшайди.

Институтимиз олимлари илмий изланишларнинг асосий йўналишини мамлакатимиз ҳайвонот дунёсининг биологик хилма-хиллигини сақлашга қаратилган тадқиқотлар ташкил этади, — дейди Ўзбекистон Фанлар академиясининг Зоология институти директори, академик Жалолиддин Азимов. — Уни сақлаш ва ундан комплекс фойдаланиш стратегияси ишлаб чиқилганлиги илмий жамоамизнинг катта ютуғидир.

Ўрта Осиё минтақасида биринчи бўлиб «Ўзбекистон республикасида биологик хилма-хилликни сақлашнинг миллий стратегияси ва ҳаракатлар режаси» ишлаб чиқилганлиги институт ходимларининг кенг миқёсдаги илмий изланишлари натижасидир.

Сўнгги 12 йилда «Ўзбекистон Республикаси қизил китоби» иккинчи марта чоп этилди. Ўзбекистон қўриқхоналари, қушлар, ҳашоратлар ва улардан биологик ҳимояланиш асослари ҳақидаги илмий асарлар мамлакатимизда ҳайвонот дунёси гўзаллиги ва хилма-хиллигини келгуси авлодлар учун сақлаб қолишга кўмаклашапти.

К. ЖАББОРАЛИЕВ.

АКАДЕМИКЛАР ТАҚДИРЛАНДИ

Ўзбекистон Фанлар академиясининг 60 йиллигига бағишлаб «Экосан» халқаро экология ва саломатлик жамғармасида учрашув ўтказилди.

Унда академик институтлар раҳ-

барлари, республикаимизнинг таниқли олимлари иштирок этдилар.

Ўзбекистон олимлари бугунги кунда турли йўналишларда изланишлар олиб боришмоқда. Уларнинг ютуқлари бутун дунёда тан олинган. Мамлакатимиз олимларининг атроф-муҳит муҳо-

фазаси ва табиатдан экологик хавфсиз тарзда фойдаланиш соҳасидаги муваффақиятлари Йоханнесбургда бўлиб ўтган барқарор ривожланиш бўйича Жаҳон Саммитида қайд этилди.

Учрашувда республиканинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш даражасини ошириш, иқтисодий жараёнлар ва экотизимлар интенсификацияси ўрта-

сида мувозанатга эришишга хизмат қиладиган умумий илмий-техникавий муаммолар ҳам муҳофиза қилинди.

Атроф-муҳит муҳофазаси ва экологик хавфсизликни таъминлашга катта ҳисса қўшган Ўзбекистон Фанлар академиясининг бир гуруҳ академиклари «Экосан» жамғармасининг дипломлари ва эсдалик совғалари билан тақдирланди.

Dushanba

22

«Ўзбекистон» телеканал

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.45 «Тахлилнома».
8.45 ТВ маркет.
8.50 «Ўзбектеlevision» намоиши: «Зумрад шаҳар Шахрисабз».
9.10 «Қадим юртнинг обод кўрғонлари».
9.30 «Мақом дунёси».
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 Янгилар.
10.05 «ЎЗДЭУ авто Сиз учун».
10.20 ТВ анонс.
10.25 «Камалак».
Болалар учун кинодастур.
11.50 ТВ клип.
12.05 «Кўрсатувдан-кўрсатувгача».

12.25 Ўзбекистон телерадиокомпанияси халқ чолғу оркестрининг концерти.
12.50 «Қиш сонатаси». Телесериал.
14.10 «Оқ ва қора». Телешоу.
14.45 Кундузги сеанс: «Санникова ери». Бадий фильм.
16.15 Мини футбол бўйича қасаба уюшмалари республика турнири.
«Болалар сайёраси»:
16.35 1. «Фаройибкентга саёҳат».
2. «Олтин тож». Телевизион ўйин.
17.35 «Музыка: кеча ва бугун».
17.55 ТВ маркет.
18.10 «Дунёқараш».
18.25 Бир жуфт қўшиқ.

18.35 «Мулқдор».
18.55 «Бахтли воқеа». Телелотерея.
19.25, 19.55, 20.25, 21.00 Ўзлонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
20.00 Оқшом эртақлари.
20.15 Биржа ва банк хабарлари.
20.30 «Ахборот».
21.05 2003 йил - Обод маҳалла йили. «Кўпчилик қаторида».
21.25 «Тасанно».
21.30 «Ошин». Телесериал.
22.30 Кураш бўйича Пан-Америка ўйинлари.
22.50 «Ахборот-дайжест».
23.10-23.15 Ватан тимсоллари.

«Ёшлар» телеканал

15.00 Кўрсатувлар дастури.
15.05 «Янги авлод»

студияси: «Тенгдошларинг ижодидан», Ёқимли иштаҳа.
15.45 «Қудук». Мультфильм.
15.55 «Бунёдкорлик» кўрсатуви туркумидан: «Ўзбекистон - қурилишлар мамлакат».
Видеофильм 4-серия
16.15 Мусликий лаҳзалар.
16.25 Жаҳон жуғрофияси.
17.15 Фазал соғинчи.
17.35 Юртим кишилари.
17.55 ТВ - анонс.
18.00 «Сардор». Телевизион бадий фильм 1-серия
18.30 Ёшлар овози.
18.50 Олтин мерос.
18.55, 21.55 Иқлим.
19.00 Давр.
19.35 ТВ - анонс.
19.40 Сийрат.
20.00 Сув - ҳаёт манбаи.
20.05 Мусликий лаҳзалар.
20.15 Буюк ипак

йўлларида.
20.35 ТВ - адвокат.
20.40, 21.25, 22.35 Ўзлонлар.
20.45 «Гвадалупе». Телесериал.
21.30 Қишлоқдаги тенгдошим.
21.50 Олтин мерос.
22.00 Давр.
22.40 ТВ - анонс.
22.45 «Ёшлар» телеканалда спорт дастури: Интерфутбол.
0.30-0.35 Хайрли тун.

«Тошкент» телеканал

17.10 Кўрсатувлар тартиби.
17.20 ТТВ да сериал: «Бу ҳам кино».
17.45 Болажонлар экрани.
17.55 «Хориж хабарлари» (рус)
18.00, 20.50 «Экспресс» телегазетаси.
18.10 «Халқ саломатлиги йўлида».
18.30, 20.00, 20.35,

22.00 «Пойтахт» ахборот дастури.
18.45 «Табриклиймиз-қутлаймиз».
19.15 «Хориж хабарлари».
19.20 ТТВда сериал: «23, 5 бурчак остида».
20.20 «Анто-пел».
21.00 «Инсон ва қонун».
21.20 ТТВда сериал: «Шаҳарлик фаришта».
22.20 Кинонигоҳ.
«Чарли трубаждан салом».
23.35-23.40 Хайрли тун, шаҳрим!

«Халқаро» телеканал

16.30 Кўрсатувлар тартиби.
16.35 «Вести».
16.45 «Парле ву франсе?»
17.05 «Хусусийлаштириш: қадим-бақадим».
17.25 «Спорт масканларида».
17.45 «Аншлаг».
18.30 «Хазил кетидан

ҳазил». Ҳажвий кўрсатув.
19.00 «Ишонч ва муҳаббат замини». Сериал.
20.00 «Мени кутгил».
21.00 «Время».
21.30 Премьера. С. Безруков «Худуд» фильмида.
22.40 «Бизнес-ревью».
22.45 «Ахборот».
23.20 Кинематограф. «Жинжер ва Фред». Бадий фильм. 1-серия.
00.20 «Тунингиз осуда бўлсин!»

30-канал

16.55 Дастурнинг очилиши. 17.00 Маърифий дастур. 17.30, 20.45 «Телехамкор». 18.00 Кино: «Келгиндилар Америкада». 19.30 «Ошиқона». 19.45 «Бригада». Сериал. 21.20 «Хайрли тун, кичкинтойлар!». 21.30 Кино: «Муҳаббат ила Лилия». 23.15 Спорт.

Seshanba

23

«Ўзбекистон» телеканал

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.35 «Ахборот».
8.35 ТВ маркет.
8.40 Газеталар шарҳи.
9.00 «Ўзбектеlevision» намоиши: «Қалб садолари».
9.20 «Соз сеҳри».
9.40 «Рангин дунё».
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 Янгилар.
10.05 «Мулқдор».
10.25 «Ўзбекистон» телеканалда илк маротаба: «Тоғлик». Мультсериал.
11.15 «Сиҳат-саломатлик».
11.35 Кураш бўйича Пан-Америка ўйинлари.
11.55 ТВ анонс.
12.05 «Кўпчилик қаторида».
12.25, 13.50 ТВ клип.
12.35 «Олимп сари

йўл». Спорт дастури.
12.50 «Ошин». Телесериал.
14.10 «Муносабат».
14.40 Кундузги сеанс: «Меҳрибон одамлар». Бадий фильм.
16.25 «Адабий жараён».
16.45 «Бизнес ҳафта».
17.00 «Ватанимга хизмат қиламан».
18.10 «Олтин бешик».
18.25 Ю. Ражабий номидаги VI Республика мақом ижрочиларининг танлови.
18.45 «Тафсилот».
19.00 «ТВ Бинго миллионер». Телелотерея.
19.25, 19.55, 20.25, 21.00 Ўзлонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
20.00 Оқшом эртақлари.
20.15 FCN «Ўзбекистон янгиларлари» (инглиз тилида).
20.30 «Ахборот».
21.05 «Фарз ва қарз».

21.25 ТВ клип.
21.35 «Ошин». Телесериал.
22.35 Кураш бўйича Пан-Америка ўйинлари.
22.55 «Ахборот-дайжест».
23.15-23.20 Ватан тимсоллари.

«Ёшлар» телеканал

6.55 Кўрсатувлар дастури.
7.00 «Мунаввар тонг». Информацион дам олиш дастури.
9.00 Давр.
9.15 ТВ - анонс.
9.20 «Янги авлод» студияси: Катта танаффус.
9.45 «Мульттомоша».
10.00 Тонгги сериал: «Рамаяна».
10.35 Бизнес-академия.
10.55 ТВ-анонс.
11.00 «Давр» ҳафта ичида.
11.35 ТВ - адвокат.
11.40 «Гвадалупе». Телесериал.
12.20 Ёшлар овози.
12.40 «Ўзбектеlevision»

студияси намоиш этади. «Гилам».
12.50 Мусликий лаҳзалар.
13.00 Давр.
13.10 ТВ - анонс.
13.15 Болалар учун мультсериал: «Ака-ука Гримм эртақлари».
13.40 «Янги авлод» студияси: Тенгдошларинг ижодидан, Ёқимли иштаҳа.
14.20 Интерфутбол.
16.00 Қишлоқдаги тенгдошим.
16.20 Кўрсатувлар дастури.
16.25 «Янги авлод» студияси: Келинг, танишайлик.
16.40 Марди майдон.
17.00 «Сардор». Телевизион бадий фильм 2-серия
17.40 «Олис сафарлар иштиёқида».
18.10 Минг бир масала.
18.30 Автопатрул.
18.50 Олтин мерос.
18.55, 21.55 Иқлим.
19.00 Давр.
19.35 Давр - интервью.
19.50 ТВ - анонс.

19.55 Мусликий лаҳзалар.
20.10 Мутлола. Асқад Мухтор.
20.30 Сув - ҳаёт манбаи.
20.35, 21.20, 22.35 Ўзлонлар.
20.40 «Гвадалупе». Телесериал.
21.25 Ёшлар овози.
21.45 Олтин мерос.
22.00 Давр.
22.40 ТВ - анонс.
22.45 «Ёшлар» телеканалда спорт дастури: 1. Нокаут 2. Теннис.
23.45-23.50 Хайрли тун.

«Тошкент» телеканал

17.10 Кўрсатувлар тартиби.
17.20 ТТВда сериал: «Бу ҳам кино».
17.45 Мультфильм.
17.55 «Хориж хабарлари» (рус)
18.00, 20.50 «Экспресс» телегазетаси.
18.10 Болажонлар экрани.
18.30, 20.00, 21.40, 22.15 «Пойтахт» ахборот дастури.
18.45 «Табриклиймиз-

қутлаймиз».
19.15 «Хориж хабарлари».
19.20 ТТВда сериал: «23,5 бурчак остида».
20.20 «Туризм ҳақида».
21.00 ТТВда сериал: «Шаҳарлик фаришта».
21.55 «Хамшаҳарлар».
22.35 Кинонигоҳ.
«Энаганинг ўлими ҳақида сўз очманг».
23.55-24.00 Хайрли тун, шаҳрим!

«Халқаро» телеканал

БИРИНЧИ КАНАЛ. 8.00-9.00.
16.30 Кўрсатувлар тартиби.
16.35 «Вести».
16.45 «Хинд оҳанглари».
17.10 «Жонли табиат».
17.25 «Бола бошидан».
17.40 «Британия оилалари».
18.10 «Европий» янгиларлари.
18.30 «Машхурлар. Т. Конюхова».
19.00 «Ишонч ва муҳаббат замини». Сериал.
20.00 «Заиф бўғин».

21.00 «Время».
21.30 «Худуд». Сериал.
22.40 «Бизнес-ревью».
22.45 FCN «Ўзбекистон янгиларлари» (инглиз тилида).
22.55. «Ахборот».
23.30 Кинематограф. «Жинжер ва Фред». Бадий фильм. 2-серия
00.30 «Тунингиз осуда бўлсин!»

30-канал

9.00 Дастурнинг очилиши. 9.05, 17.30, 20.45 «Телехамкор». 9.30, 14.10 Болалар соати. 10.15 «Пауэр Рейнджерс ёки кучли рейнджерлар». Сериал. 10.40 «Маърифий дастур». 11.10 «Сан-Тропе». Сериал. 12.00 «Муҳаббат ила Лилия». Фильм. 13.30 «Қора қарға». Сериал. 14.40, 19.30 «Ошиқона». 15.00 Телешоу. 16.00, 23.15 Спорт. 16.40 Хужжатли сериал. 18.00 Кино. 19.45 «Бригада». Сериал. 21.05 «Клип-совга». 21.20 «Хайрли тун, кичкинтойлар!». 21.30 Кино: «666-шоссе».

Chorshanba

24

«Ўзбекистон» телеканал

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.35 «Ахборот».
8.35 ТВ маркет.
8.40 Газеталар шарҳи.
9.00 «Ўзбектеlevision» намоиш этади: «Сато», «Табият мўъжизаси».
9.25 «Олтин бешик».
9.40 «Соғлом она - соғлом бола».
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 Янгилар.
10.05 «Тафсилот».
10.20 «Ўзбекистон» телеканалда илк маротаба: «Тоғлик». Мультсериал.
11.10 Кураш бўйича Пан-Америка ўйинлари.
11.30 Долзарб мавзу.
12.05 «Саргузаштлар ороли». Телешоу.
12.35 ТВ анонс.

12.40 Эстрада тароналари.
13.00 «Ошин». Телесериал.
14.10 «Фарз ва қарз».
14.30 Кундузги сеанс: «Ойдан тушган малика». Бадий фильм.
16.20 «Ягона оилада».
16.50 ТВ клип.
«Болалар сайёраси»:
17.00 1. «Шоирлар-болаларга».
2. «Қўшиғим - жон қўшиғим».
18.10 «Фуқаролик жамияти сари».
18.25 «Қалб гавҳари».
18.45 «Мусанниф». Б. Алиев.
19.05 «Ҳаёт ва қонун».
19.25, 19.55, 20.25, 21.00 Ўзлонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
20.00 Оқшом эртақлари.
20.15 «Юзма-юз».
20.30 «Ахборот».

21.05 «Фан равнақи - Ватан равнақи».
21.35 ТВ клип.
21.40 «Ошин». Телесериал.
22.40 Кураш бўйича Европа чемпионати.
23.00 «Ахборот-дайжест».
23.20-23.25 Ватан тимсоллари.

«Ёшлар» телеканал

6.55 Кўрсатувлар дастури.
7.00 «Мунаввар тонг». Информацион дам олиш дастури.
9.00 Давр.
9.15 ТВ - анонс.
9.20 «Янги авлод» студияси: Келинг, танишайлик.
9.35 Мутлола. Асқад Мухтор.
9.55 Тонгги сериал: «Рамаяна».
10.30 «Давр» - интервью.
10.45 Тараққиёт уфқлари.
11.05 ТВ - адвокат.
11.10 «Гвадалупе».

Телесериал.
11.50 ТВ - анонс.
11.55 2003 йилнинг энг муҳим воқеалари: Нукус шахрининг 70 йиллигига бағишланган тантаналар.
13.00 Давр.
13.10 ТВ - анонс.
13.15 Болалар учун мультсериал: «Ака-ука Гримм эртақлари».
13.40 Ёшлар овози.
14.00 Интерфутбол.
15.40 Мусликий лаҳзалар.
15.50 Автопатрул.
16.10 Биз билган ва билмаган дунё.
16.30 «Бунёдкорлик» кўрсатуви туркумидан: «Ўзбекистон - қурилишлар мамлакат».
Видеофильм 5-серия
16.50 ТВ - анонс.
16.55 «Сардор». Телевизион бадий фильм 3-серия
17.25 Кўрсатувлар дастури.
17.30 «Янги авлод» студияси: Оқ кабутар, Кичкинтой театри.
18.10 «Ажойиб гилам». Мультфильм.

18.20 Чемпион сирлари.
18.40 Каталог.
18.50 Олтин мерос.
18.55, 21.55 Иқлим.
19.00 Давр.
19.35 ТВ-анонс.
19.40 Очил дастурхон.
20.00 Спорт-лото.
20.10 Мусликий лаҳзалар.
20.20 «Бунёдкор» ёшлар телеклуби.
20.35 ТВ - адвокат.
20.40, 21.25, 22.35 Ўзлонлар.
20.45 «Гвадалупе». Телесериал.
21.30 Ёшлар овози.
21.50 Олтин мерос.
22.00 Давр.
22.40 ТВ - анонс.
22.45 «Ёшлар» телеканалда спорт дастури: Интерфутбол.
0.30-0.35 Хайрли тун.

«Тошкент» телеканал

17.10 Кўрсатувлар тартиби.
17.20 ТТВда сериал: «Бу ҳам кино» (яқунловчи)
17.45 Мультфильм.
17.55 «Хориж хабарлари» (рус)

18.00, 20.45 «Экспресс» телегазетаси.
18.10 Болажонлар экрани.
18.30, 20.00, 21.15, 22.10 «Пойтахт» ахборот дастури.
18.45 «Табриклиймиз-қутлаймиз».
19.15 «Хориж хабарлари».
19.20 ТТВда сериал: «23,5 бурчак остида».
20.20 «Аёл қалби».
20.55 «Химоя».
21.30 ТТВда сериал: «Шаҳарлик фаришта» (яқунловчи)
22.30 Кинонигоҳ.
«Титаник». 1-серия
24.00-00.05 Хайрли тун, шаҳрим!

«Халқаро» телеканал

БИРИНЧИ КАНАЛ. 8.00-9.00.
16.25 Кўрсатувлар тартиби.
16.30 «Вести».
16.40 «Оилалар». Бадий фильм.
18.30 Е. Петросянинннг Кулгу панорамаси.
19.00 «Ишонч ва

муҳаббат замини». Сериал.
20.00 «Ким миллионер бўлишни истайди?»
21.00 «Время».
21.35 «Худуд». Сериал.
22.40 «Бизнес ревью».
22.45 «Ахборот».
23.20 Кинематограф. «Сохибжамол аёл». Бадий фильм.
1.00 «Тунингиз осуда бўлсин!»

30-канал

9.00 Дастурнинг очилиши. 9.05, 17.30, 20.45 «Телехамкор». 9.30, 14.10 Болалар соати. 10.15 «Пауэр Рейнджерс ёки кучли рейнджерлар». Сериал. 10.40, 16.00, 23.15 Спорт. 11.10 «Сан-Тропе». Сериал. 12.00 «666-шоссе». Фильм. 13.30 «Қора қарға». Сериал. 15.00 Телешоу. 16.40 Хужжатли сериал. 18.00 Кино: «Кутилмаган зарба». 19.30 «Ошиқона». 19.45 «Бригада». Сериал. 21.05 «Клип-совга». 21.20 «Хайрли тун, кичкинтойлар!». 21.30 Кино: «Оқ кумлар».

Payshanba

25

«Ўзбекистон» телеканал

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.35 «Ахборот».
8.35, 17.55 ТВ маркет.
8.40 Газеталар шарҳи.
«Болалар сайёраси»:
9.00 1. «Шоирлар-болаларга».
2. «Қўшиғим - жон қўшиғим».
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 Янгилар.
10.05 «Фуқаролик

жамияти сари».
10.20 «Ўзбекистон» телеканалда илк маротаба: «Тоғлик». Мультсериал.
10.45 «Фан равнақи - Ватан равнақи».
11.15 Кураш бўйича Европа чемпионати.
11.35 «Ҳаёт ва қонун».
11.55 ТВ клип.
12.05 «Томас Эдисон ва электр чироғи». Мультфильм.
12.30 Мумтоз наволар.
12.45 «Харакатда - баракат».

13.00 «Ошин». Телесериал.
14.10 «Дунё бўйлаб».
14.30 Кундузги сеанс: «Эртақларга суйқалма, Азлитта». Бадий фильм.
15.55 ТВ анонс.
16.00 «Мувоzanат».
«Болалар сайёраси»:
16.20 1. «Болаликнинг мовий осмони».
2. «Цирк, цирк, цирк».
17.20 «Рақслар жило-си».
17.40 «Харита». Халқаро шарҳ.
18.10 «Репортаж».
18.15 «Мусаввир Темурғолиб». Хужжатли фильм.
18.35 «Ислохот одимла-

ри».
18.55 ТВ клип.
19.05 «Мулқдор».
19.25, 19.55, 20.25, 21.00 Ўзлонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
20.00 «Оқшом эртақлари».
20.15 FCN «Ўзбекистон янгиларлари» (инглиз тилида).
20.30 «Ахборот».
21.05 Телемулоқот.
21.45 ТВ клип.
21.55 «Ошин». Телесериал.
22.55 Кураш бўйича Европа чемпионати.
23.15 «Ахборот-дайжест».
23.35-23.40 Ватан

тимсоллари.

«Ёшлар» телеканал

6.55 Кўрсатувлар дастури.
7.00 «Мунаввар тонг». Информацион дам олиш дастури.
9.00 Давр.
9.15 ТВ - анонс.
9.20 «Янги авлод» студияси: Оқ кабутар, Кичкинтой театри.
10.00 Тонгги сериал: «Рамаяна».
10.35 Тафаккур ёлқинлари.
10.50 ТВ-анонс.
10.55 Ёшлар овози.

11.15 ТВ - адвокат.
11.20 «Гвадалупе». Телесериал.
12.00 Чемпион сирлари (рус тилида).
12.20 Спорт қитъаси (рус тилида).
12.50 Мусликий лаҳзалар.
13.00 Давр.
13.10 ТВ - анонс.
13.15 Болалар учун мультсериал: «Ака-ука Гримм эртақлари».
13.40 Алифба байрами.
13.55 Интерфутбол.
15.35 Мусликий лаҳзалар.
15.45 «Катта бўлишни хохламаман». Бадий фильм.
17.00 ТВ - анонс.

17.05 «Сардор». Телевизион бадий фильм 4-серия
17.50 Кўрсатувлар дастури.
17.55 «Янги авлод» студияси: Шум болалар.
18.05 «Акаиро». Мультфильм.
18.25 Табобат оламида.
18.50 Олтин мерос.
18.55, 21.55 Иқлим.
19.00 Давр.
19.35 «Давр» - интервью.
19.50 ТВ - анонс.
19.55 Мусликий лаҳзалар.
20.10 Бегойим.
20.30 ТВ -

адвокат.
20.35, 21.20, 22.35
Эълонлар.
20.40 «Гадалупе».
Телесериал.
21.25 Ёшлар овози.
21.45 Олтин мерос.
22.00 Давр.
22.40 ТВ - анонс.
22.45 «Ёшлар»
телеканалда спорт
дастури: Интерфут-
бол.
0.30-0.35 Хайрли тун.

**«Тошкент»
телеканал**
17.10 Кўрсатувлар
тартиби.
17.20 ТТВда сериал:
«Луиза Фернанда».
17.45 Болажонлар
экрани.
17.55 «Хориж хабарла-
ри» (рус)
18.00, 20.40 «Экспресс»
телегазетаси.
18.10 «Навниҳол».

18.30, 20.00, 20.50,
21.45 «Пойтахт»
ахборот дастури.
18.45 «Табриклимиз-
кутлаймиз».
19.15 «Хориж хабарла-
ри».
19.20 ТТВда сериал:
«23, 5 бурчак остида».
20.20 «Бурч ва масъу-
лият».
21.05 ТТВда сериал:
«Бебилиска пул».
22.05 Кинонигоҳ.

«Титаник». 2-серия
23.35-23.40 Хайрли тун,
шаҳрим!
**«Халқаро»
телеканал**
БИРИНЧИ КАНАЛ. 8.00-
9.00.
16.30 Кўрсатувлар
тартиби.
16.35 «Вести».
16.45 «Аншлаг».
17.30 «Мультфильм».
17.50 «Евроњьюс»

янгиликлари.
18.10 «Бугунги медици-
на».
18.30 «Оддий Кулгу».
19.00 «Ишонч ва
муҳаббат замани».
Сериал.
20.00 «Заиф бўгин».
21.00 «Время».
21.45 «Кутлуг қадам».
Қисқа метражли
фильм.
22.15 «FCN Ўзбекистон
янгиликлари» (инглиз

тилада)
22.25 Кинематограф.
«Рождество совгаси».
Бадий фильм.
23.50 «Ахборот».
00.25 «Тунингиз осуда
бўлсин!»
30-канал
9.00 Дастурнинг очилиши.
9.05, 17.30, 20.45 «Теле-
хамкор». 9.30, 14.10 Бола-
лар соати. 10.15 «Пауэр
Рейнжерс ёки кучли рейн-
жарлар» Сериал. 10.40,
16.00, 23.15 Спорт. 11.10
«Сан-Тропе». Сериал.
12.00 «Оқ кумлар».
Фильм. 13.30 «Қора
қарға». Телесериал. 15.00
Телешоу. 16.40 Хужжат-
ли сериал. 18.00 Кино:
«Рождество кўшиги».
19.30 «Ошикона». 19.45
«Бригада». Сериал. 21.20
«Хайрли тун, кичкинтой-
лар!». 21.30 Кино: «Олий
жанобларнинг хангчилари».

жерлар» Сериал. 10.40,
16.00, 23.15 Спорт. 11.10
«Сан-Тропе». Сериал.
12.00 «Оқ кумлар».
Фильм. 13.30 «Қора
қарға». Телесериал. 15.00
Телешоу. 16.40 Хужжат-
ли сериал. 18.00 Кино:
«Рождество кўшиги».
19.30 «Ошикона». 19.45
«Бригада». Сериал. 21.20
«Хайрли тун, кичкинтой-
лар!». 21.30 Кино: «Олий
жанобларнинг хангчилари».

Juma

26

**«Ўзбекистон»
телеканал**

6.00 «Ассалом,
Ўзбекистон!»
8.00 -8.35 «Ахборот».
8.35, 17.55 ТВ маркет.
8.40 Газеталар шарҳи.
«Болалар сайёраси».
9.00 1. «Болаликнинг
мовий осмони».
2. «Цирк, цирк, цирк».
10.00, 12.00, 14.00,
18.00 Янгиликлар.
10.05 «Мулкдор».
10.25 «Бўрининг
саргузаштлари».
Мультфильм.
11.15 «Ўзликнинг намоён
қил». Экранда -
Навоий вилояти.
11.35 Кураш бўйича
Европа чемпионати.
11.55 ТВ анонс.
12.05 «Ҳазилдан чиққан
хангома». Ҳажвий
новелла. 1-қисм.
12.45 «Кўёшли юрт
оханглари».
13.00 «Ошин». Телесе-
риал.

14.10 Телемулоқот.
14.50 Кундузги сеанс:
«Шуриқнинг саргузашт-
лари». Бадий фильм.
16.20 ТВ клип.
«Болалар сайёраси».
16.30 «Ўйла, Изла, Топ!»
Телемусобақа.
17.40 «Нурли манзил-
лар».
18.10 «Ўзбектелефильм»
намоиши: «Шоир
севгиси».
18.40 «Тиббиёт одимла-
ри».
19.00 ТВ клип.
19.05 «Зиё» студияси
намоиш этади:
«Этикод мустаҳкамли-
ги йўлида».
19.25, 19.55, 20.25,
21.00 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус
тилида)
20.00 Оқшом эртаклари.
20.15 Бир жуфт кўшиқ.
20.30 «Ахборот».
21.05 «Муносабат».
21.35 «Қиш сонатаси».
Телесериал.
22.45 Кураш бўйича

Осиё чемпионати.
23.05 «Ахборот-дай-
жест».
23.25-23.30 Ватан
тимсоллари.

**«Ёшлар»
телеканал**

6.55 Кўрсатувлар
дастури.
7.00 «Мунаввар тонг».
Информацион дам
олиш дастури.
9.00 Давр.
9.15 ТВ - анонс.
9.20 «Янги авлод»
студияси: Шум
болалар.
9.30 «Мульттомоша».
9.45 Алифбе байрами.
10.00 Тонгги сериал:
«Рамаяна».
10.35 «Давр» - интер-
вью.
10.50 «Ўзбектелефильм»
студияси намоиш
этади. «Чорток».
11.00 Минг бир масла-
ҳат.
11.20 ТВ - адвокат.
11.25 «Гадалупе».
Телесериал.
12.05 Ёшлар овози.
12.25 ТВ - анонс.
12.30 Бегийм.
12.50 Мусиқий лаҳза-

лар.
13.00 Давр.
13.10 ТВ - анонс.
13.15 Болалар учун
мультсериал: «Ака-ука
Гримм эртаклари».
13.40 Олис сафарлар
иштиёқида.
14.10 Интерфутбол.
15.50 Мусиқий лаҳзалар.
16.00 Қўли гул уста.
16.20 «Бунёдкорлик»
кўрсатуви туркумидан:
«Ўзбекистон - қури-
лишлар мамлақати».
Видеофильм 6-қисм
(яқунловчи)
16.40 Очун.
17.00 «Сардор». Телеви-
зион бадий фильм 5-
серия
17.45 ТВ - анонс.
17.50 Кўрсатувлар
дастури.
17.55 «Янги авлод»
студияси: У ким? Бу
нима?
18.15 «Қўғируқкул».
Мультфильм.
18.35 Болалар спорти:
аҳвол қандай?
18.50 Олтин мерос.
18.55, 21.55 Иқлим.
19.00 Давр.
19.35 «Давр» нигоҳи.
19.55 ТВ- анонс.

20.00 Мусиқий лаҳза-
лар.
20.15 Аскар мактублари.
20.35 ТВ - адвокат.
20.40, 21.25, 22.35
Эълонлар.
20.45 «Гадалупе».
Телесериал.
21.30 Қишлоқдаги
тенгдошим.
21.50 Олтин мерос.
22.00 Давр.
22.40 ТВ - анонс.
22.45 «Ёшлар» телека-
налида спорт дастури:
1. Футбол плюс 2.
Ринг қироллари.
0.05-0.10 Хайрли тун.
**«Тошкент»
телеканал**
17.10 Кўрсатувлар
тартиби.
17.20 ТТВда сериал:
«Луиза Фернанда».
17.45 Мультфильм.
17.55 «Хориж хабарла-
ри» (рус)
18.00, 20.35 «Экспресс»
телегазетаси.
18.10 «Биз ва болалар».
18.30, 20.00, 20.45,
22.30 «Пойтахт»
ахборот дастури.
18.45 «Табриклимиз-
кутлаймиз».

19.15 «Хориж хабарла-
ри».
19.20 ТТВда сериал:
«23, 5 бурчак остида».
20.20 «Эл хизматига».
21.00 ТТВда сериал:
«Бебилиска пул».
21.40 «Дорихона
эшитида». Бевосита
мулоқот.
22.50 Кинонигоҳ.
«Муҳаббат формула-
си».
00.10-00.15 Хайрли тун,
шаҳрим!
**«Халқаро»
телеканал**
БИРИНЧИ КАНАЛ. 8.00-
9.00.
16.30 Кўрсатувлар
тартиби.
16.35 «Вести».
16.45 «Бинафша».
17.10 «Ассалом Фран-
ция!»
17.30 «Дурдаршан».
17.55 «Дунё маданияти
дурдоналари».
18.15 «Евроњьюс»
янгиликлари.
18.30 Хужжатли детек-
тив.
19.00 «Кун мавзуси».
19.20 «Хит парад».
19.50 «Мўъжизалар

майдони».
21.00 «Время».
21.30 «Хис этиш».
Кинокомедия.
23.10 «Нима? Қаерда?
Қачон?» Қишқи
ўйинлар финали.
00.30 «Ахборот».
1.05 «Тунингиз осуда
бўлсин!»
30-канал
9.00 Дастурнинг очи-
лиши. 9.05, 17.30,
20.45 «Телехамкор».
9.30, 14.10 Болалар
соати. 10.15 «Пауэр
Рейнжерс ёки кучли
рейнжерлар» Сериал.
10.40, 16.00, 23.15
Спорт. 11.10 «Сан-
Тропе». Сериал. 12.00
«Олий жанобларнинг
хангчилари». Фильм.
13.30 «Қора қарға». Те-
лесериал. 14.40, 19.30
«Ошикона». 15.00 Телешоу.
16.40 «Хужжатли
сериал». 18.00 «30-ка-
нал»да ринг қироллари.
18.50 Юмор дастури.
19.45 «Бригада». Сериал.
21.05 «Клип-совга».
21.20 «Хайрли тун, кич-
кинтойлар!». 21.30
Кино: «Хаммаси севги
ҳақида».

Shanba

27

**«Ўзбекистон»
телеканал**

6.00 «Ассалом,
Ўзбекистон».
8.00-8.35 «Ахборот».
8.35 Газеталар шарҳи.
8.55 ТВ анонс.
«Болалар сайёраси».
9.00 «Ўйла, Изла, Топ!»
Телемусобақа.
10.10 «Мусика дунёси».
Телеальманах.
10.30 «Зиё» студияси
намоиш этади:
«Этикод мустаҳкам-
лиги йўлида».
10.50 «Бу турфа олам».
11.40 Кураш бўйича
Осиё чемпионати.
12.00 «Санъатга
бахшида умр».
12.15 «Ҳазилдан чиққан
хангома». Ҳажвий
новелла. 2-қисм.
12.50 «Қиш сонатаси».
Телесериал.
14.00 «Адабий жараён».
14.20 «Ягона оилада».
14.50, 17.15 ТВ клип.
15.00 «Қалб гавҳари».
15.20 «Ўзбекистон»
телеканалда илк
маротаба: «Сувда
қалқан армонлар».
Бадий фильм. 1-
қисм.
16.30 «Изҳор».

16.45 «Саргузаштлар
оролли». Телешоу.
17.25 «Ўзбеккино»
тақдим этади: «Умри-
миз боқийдир, умри-
миз боқий». Хужжатли
фильм премьераси.
18.05 «Рангин дунё».
18.25 «Интеллектуал
ринг». Телеўйин.
19.05 «Ўзлото». Телело-
терей.
19.25, 19.55, 20.25,
21.00 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус
тилида)
20.00 Оқшом эртаклари.
20.15 FCN «Ўзбекистон
янгиликлари» (инглиз
тилида)
20.30 «Ахборот».
21.05 «Кўшигимиз Сизга
армуғон».
21.25 «Қиш сонатаси».
Телесериал.
22.35 Кураш бўйича
Осиё чемпионати.
22.55 «Ахборот-дай-
жест».
«Тунги ёғду».
23.15 «КиноТеатр».
23.35 «Ўзбекистон»
телеканалда илк
маротаба: «Ўстаси
фаранг». Бадий
фильм. 1-қисм.
00.35-00.40 Ватан
тимсоллари.

**«Ёшлар»
телеканал**

6.55 Кўрсатувлар
дастури.
7.00 «Мунаввар тонг».
Информацион дам
олиш дастури.
9.00 Давр.
9.15 ТВ - анонс.
9.20 «Янги авлод»
студияси: У ким? Бу
нима?
9.40 «Мульттомоша».
9.55 Табабат оламида.
10.20 Жаҳон жуғрофия-
си.
10.10 ТВ - адвокат.
11.15 «Гадалупе».
Телесериал.
11.55 2003 йилнинг энг
муҳим воқеалари:
«Наврўз-2003».
13.20 ТВ - анонс.
13.25 Ринг қироллари.
14.15 Буюк ипак
йўлларида.
14.35 «Армонли дунё».
Бадий фильм.
16.05 Қишлоқдаги
тенгдошим.
16.25 «Учинчи сайёра»
маърифий дастури.
17.15 ТВ - анонс.
17.20 Кўрсатувлар
дастури.
17.25 «Янги авлод»
студияси: Бўш ўтирма.
17.50 Мультфильм.
18.00 Бола тилидан.
18.35 Қўшқулук.
18.50 Олтин мерос.
18.55, 21.55 Иқлим.

19.00 Давр.
19.35 «Давр» - репор-
таж.
19.45 Мусиқий лаҳзалар.
19.55 Қутилмаган
меҳмон.
20.15, 21.10, 22.35
Эълонлар.
20.20 «Жек ва ловия
поёси». Бадий фильм
1-серия
21.15 Оханрабо.
22.00 Давр.
22.40 ТВ - анонс.
22.45 Кинотакдим.
23.05 «Ишқ сурури».
Бадий фильм.
0.40-0.45 Хайрли тун.

**«Тошкент»
телеканал**

17.10 Кўрсатувлар
тартиби.
17.20 ТТВда сериал: «Бу
ҳам кино».
17.45 «Мультчархпалак».
18.05, 22.05 «Экспресс»

телегазетаси.
18.15 «Билим» телеклу-
би.
18.35 «Афиша».
18.55 «Мисли гавҳар».
19.10 «Табриклимиз-
кутлаймиз».
19.40 «Жаҳон географи-
яси».
20.10 «Бахтли бўлинг!»
«23.5 бурчак остида».
22.15 Кинонигоҳ.
«Галгамет». 1-серия
23.15-23.20 Хайрли тун,
шаҳрим!

**«Халқаро»
телеканал**

9.00 Кўрсатувлар
тартиби.
9.05 Мультфильм.
10.10 «Лаззат».
10.30 «Муҳаббат тарихи
А. Гуськов».

11.10 Болалар соати:
«Қизил шапкача».
Бадий фильм.
13.25 «Экран зийнати
ва киймати».
13.45 Кинематограф.
«Чакмоқ доvon».
Бадий фильм.
15.25 Дўстлик видеока-
нали: «В доброй хате».
«Умид», «Немис
шарҳи».
16.25 Кўрсатувлар
тартиби.
16.30 «Билишни истай-
ман».
16.45 «Кулгу қироллари
Ю. Никулин».
17.40 «Дунёга назар».
18.10 «Ҳазил кетидан
ҳазил».
18.50 «Ким миллионер
бўлишни истайди?»
Телеўйин.
19.50 «Сунгги қаҳра-
мон». Охири ўйин.
21.00 «Время».

21.25 «Олтин граммо-
фон». Финал.
00.50 «Ахборот».
1.10 «Тунингиз осуда
бўлсин!»

30-канал

9.00 Дастурнинг очи-
лиши. 9.05, 17.40,
20.45 «Телехамкор».
9.30 Мультсериал.
10.00 Болалар учун
фильм. 11.30 «Маъри-
фий дастур». 12.00
Кино: «Хаммаси севги
ҳақида». 13.40 Хуж-
жатли фильм. 14.30
Хинд киноси. 17.00
Телеўйин. 18.10 Кино:
«Индамас йиртқи-
лар». 19.45 «Ошико-
на». 20.00 «Спорт-эк-
стрим». 20.30 «Клип-
совга». 21.05 «Фурур-
лик кодекси». Сериал.
22.00 Кино: «Америка-
лик самурай». 23.45
Мусиқий дастур.

Yakshanba

28

**«Ўзбекистон»
телеканал**

6.00 «Ассалом,
Ўзбекистон».
8.00-8.35 «Ахборот».
8.35 «Камалак».
Болалар учун
кинодастур.
10.00 «Ватанимга
хизмат қиламан».
11.00 «Она меҳри».
11.20 «Рақибингиз -
гроссмейстер».
11.35 «Кўҳна замин
оханглари».
11.55, 12.55 ТВ анонс.
12.00 «Ийл ўқитувчиси-
2003».
12.20 «Ҳазилдан
чиққан хангома».
Ҳажвий новелла. 3-
қисм.
13.00 Кураш бўйича
Осиё чемпионати.
13.20 «Қиш сонатаси».
Телесериал.
14.30, 15.40 ТВ клип.
14.40 «Интеллектуал
ринг». Телеўйин.
15.20 «Қорақалпоқно-
ма».
15.50 «Ўзбекистон»
телеканалда илк
маротаба: «Сувда
қалқан армонлар».
Бадий фильм. 2-
қисм.
«Болалар сайёраси»:
16.50 1. «Еш юлдуз-
лар».
2. «Олтин тож».

Телевизион ўйин.
17.50 «Бир қулишайлик».
18.05 «Ўзбектелефильм»
намоиши: «Ўзбекис-
тон иқтисодийнинг
етаққи омили».
Премьера.
18.35 «Иқтидор».
Телешоу.
19.10 «Бизнес ҳафта».
19.25, 20.00, 20.25,
21.10 Эълонлар.
19.30 «Тахлилнома» (рус
тилида)
20.05 «Кўрсатувдан-
кўрсатувгача».
20.30 «Тахлилнома».
21.15 «Кун мавзуси».
21.25 ТВ клип.
21.35 «Оталар сўзи -
ақлнинг кўзи».
22.35 Кураш бўйича
Осиё чемпионати.
«Яқшанба кинозали».
22.55 «Ўзбекистон»
телеканалда илк
маротаба: «Ўстаси
фаранг». Бадий
фильм. 2-қисм.
23.55-24.00 Ватан
тимсоллари.

**«Ёшлар»
телеканал**

6.55 Кўрсатувлар
дастури.
7.00 «Мунаввар тонг».
Информацион дам
олиш дастури.
9.00 Давр репортаж.
9.15 «Янги авлод»

студияси: Бўш ўтирма.
9.40 Қўноқ стартлар.
10.10 Очил дастурхон.
10.30 Қўшқулук.
10.45 Чемпион сирлари.
11.05 ФИФА (футбол
ичида, футбол атрофи-
да)
11.45 «Ёшлар» телекана-
лида ҳарбий - ватан-
парварлик дастури: 1.
Марди-майдон, 2.
Аскар мактублари.
12.25 «Заковат».
Интеллектуал ўйини.
13.05 Мусиқий лаҳзалар.
13.15 «Жек ва ловия
поёси». Бадий фильм
1-серия
14.05 Оханрабо.
14.45 «Янги йил
эртаги». Бадий
фильм.
16.15 Ёшлар овози.
16.35 Болалар экрани:
«Бемби». Мультфильм.
17.45 ТВ - анонс.
17.50 Кўрсатувлар
дастури.
17.55 «Янги авлод»
студияси: Катта
танаффус, Болалар
учун концерт.
18.35 Спорт ҳафтанома-
си.
18.50 Олтин мерос.
18.55, 21.55 Иқлим.
19.00 «Давр» - news.
19.20 ТВ - анонс.
19.25 Мусиқий лаҳзалар.
19.50 Сув - ҳаёт
манбаи.
19.55, 20.50, 22.30
Эълонлар.
20.00 «Жек ва ловия
поёси». Бадий фильм.
2-серия
20.55 «Қилни қирқ

Тошкент вилоят ҳокимлигининг капитал қурилиш бўйича инжиниринг компанияси

қуйидаги лавозимлар бўйича танлов асосида қабул эълон қилади:

— бош ҳисобчи — 1 киши,
— бош ҳисобчининг ўринбосари — 1 киши,
— ҳуқуқий маслаҳатчи — 1 киши,
— ходимлар билан ишлаш бўйича бош нозир —
1 киши,
— қурилиш дастурини тайёрлаш маркетинг бўйи-
ча бўлим бошлиғи — 1 киши,
— маркетинг бўйича мутахассислар — 4 киши,
— ишлаб чиқариш ва техника хизмати кўрсатиш
бўлимининг бошлиғи — 1 киши,
— ишлаб чиқариш бўлимининг ходимлари — 12
киши,
— дастлабки-рухсат, лойиҳа ва танлов ҳужжатла-
рини тайёрлаш бўлимининг бошлиғи — 1 киши,
— лойиҳа ва танлов ҳужжатларини тайёрлаш
бўйича мутахассислар — 3 киши,
— лойиҳа ва қурилиш тендерларини ўтказиш
бўйича бўлим бошлиғи — 1 киши,
— савдоларни ўтказиш бўйича мутахассислар —
2 киши,

— коммунал ва яққа уй-жой қурилиш бўйича
бўлим бошлиғи — 1 киши,
— коммунал қурилиш бўйича мутахассислар — 2
киши,
— ҳужжалик-шартномавий муносабатлар ва моли-
ялаштириш бўлимининг бошлиғи — 1 киши,
— молиялаштириш бўйича мутахассислар — 4
киши,
— умумий бўлим мудир — 1 киши,
— котиба-референт — 1 киши.

Даъвогарларга қўйиладиган талаблар:

— олий ва ўрта техник маълумот;
— мутахассислик бўйича камида 5 йиллик иш
стажи;
— компьютерни билиш;
— жамоада ишлаш лаёқати, киришимлилики.

Маълумотлар учун қуйидаги телефонлар-
га қўнғироқ қилинг: 34-50-46, 34-50-07.

ёриб...» Интеллектуал
ўйин.
21.45 Олтин мерос.
22.00 «Давр» ҳафта
ичида.
22.35 ТВ - анонс.
22.40 «Ортиқча юк».
Бадий фильм.
0.25-0.30 Хайрли тун.

**«Тошкент»
телеканал**

17.10 Кўрсатувлар
тартиби.
17.20 ТТВда сериал: «Бу
ҳам кино».
17.45 «Эртақларнинг
сеҳрли олами».
19.25, 21.55 «Экспресс»
телегазетаси.
19.35 «Табриклимиз-
кутлаймиз».
20.05 «Жаҳон географи-
яси».
20.35 «ТВ плюс».

21.05 ТТВда сериал:
«23.5 бурчак остида».
22.05 Кинонигоҳ.
«Галгамет». 2-серия
23.05-23.10 Хайрли тун,
шаҳрим!

**«Халқаро»
телеканал**

9.00 Кўрсатувлар
тартиби.
9.05 «Инглиз тили
курси».
9.15 «Соғлом овқатла-
ниш сирлари».
9.25 «Мультсеанс».
10.10 Д. Кривонинг
«Йўлда ёзилмаган
қайдалари».
10.30 «Хамма уйдалиги-
да».
11.00 «Ўйғоқ кайфият».
Информацион-дам
олиш кўрсатуви.
12.30 Кинематограф.

«Буратино». Бадий
фильм.
14.55 «Дорихона
эшитида».
15.45 Дўстлик видеока-
нали: «Рангинкамон».
«Дидар», «Фардўшлуг
дунёсинда», «Максад-
лар муштариги».
17.05 Кўрсатувлар
тартиби.
17.10 «Т. Полонская
билан бирга».
17.30 «Кинопрофи».
17.50 «Мусиқий серпан-
тин».
18.15 «Тенгдошлар».
18.50 КВН-2003.Олий
лига. Финал.
21.00 «Навои. Спортчи-
лар шаҳри».
21.20 «Декабрнинг ўн
етти лаҳзаси ёки ТВ-
да қарнавал кечаси».
22.50 «Тахлилнома».

23.30 Кинематограф.
«Ойдаги одам».
Бадий фильм.
00.45 «Тунингиз осуда
бўлсин».

30-канал

Чинозлик пахтакорларнинг тажрибакорлигию ташаббускорлиги ортиқча таърифга мухтож эмас. Хусусан, пахтачилик учун го'ят оғир ва мураккаб келган 2003 йилда ҳам туман деҳқонлари давлатга қимматли саноат хом ашёси сотиш шартнома режасини 31 октябр кун бажаришга муваффақ бўлдилар.

Этиборлиси шундаки, олди хўжаликлар режани тумандан 5-6 кун илгари, бир-икки хўжаликка бир кун кейин бажарди. Фақат битта хўжалик режани уддалай олмади. Бунинг ўзига яраша узрли ва узрсиз сабаблари бор, албатта. Аммо, ҳозир гап бу ҳақда эмас. Фақат шуни таъкидлаш жоизки, ҳамма хўжаликлар деҳқончиликдан соф фойда билан чиқдилар.

Дарвоқе, даромад хусусида алоҳида тўхталиш ўринлидир. Туманда пахта ҳосилдорлиги ўртача 30,1 цент-

Шундан сўнг асосий иш, яъни техника таъмирини қандай ташкил этиш масаласига ўтилди. Муқим қарорга келинган, эртаси кундан раис ва бош мутахассислар биргаликда ҳамма хўжаликларни бир бошдан айланиб, техника воситалари сақланадиган парклардаги шартшароит, техникаларнинг ахволи кўздан кечириб чиқилди. Пировардида Охунова номли ширкат хўжалигида ўтказилган машғулот чоғида вазифалар аниқ белгилаб олиниб, ишга киришилди. Энг тажрибали механизаторлар кузги шудгорга сафарбар этилди. Қолганлари ўзларига бириктирилган тракторларни таъмирлашни бошладилар. Бошқа ишчи-хизматчилар техника паркларини ҳудудини тартибга келтириш билан шуғулландилар.

Бир сўз билан айтганда, техника таъмири комплекс олиб борилди. Аввало, халқоп сувлар тўпланиб, ёзда



ниб, 51 та чоппик трактори, 65 та култиватор ва 25 та ПГС каби янги техника воситаларига буюртма тайёрланди. Бунинг учун эса, юқорида таъкидланганидек, соф даромад етарли.

Хайдов тракторлари масаласи эса, оқилона ҳал этилди. Янги харид қилинган тўртта Т-4 занжирли трактор кузги шудгорни барвақт тугатишга салмоқли ҳисса қўшди. Умуман, ерларни ҳайдашда хўжаликлардаги мавжуд 38 та хайдов ва туман МТПсининг 8 та «Магнум» трактори унумли ишлатилди. Мана энди сифатли шудгорланган ерлар дам олиб, баҳорга куч тўплайпти. Ҳамма техника воситалари эса қўлдамга экиш ишларига шай. Деҳқонларнинг кўнгиллари тўқ.

— Энди биз шундай оғир йилда режаларини тўлдириб, туманимизнинг ҳам юзини ёруғ қилган том маънодаги фидойи пахтакору механизаторларимизнинг меҳнатларини муносиб тақдирлаш режалари устида ишламоқдамиз, — дейди туман ҳокими Йўлдошбой Тожибоев. — Тўғри, улар соф даромаддан ўзларининг пай улушларига яраша ҳақларини оладилар. Бизнинг мақсадимиз эса, уларни қўшимча рағбатлантириш.

Тўғри, чинозликларнинг бу йилги баракали меҳнатларини ҳар қанча тақдирласа арзийди. Шуни ҳисобга олиб ҳозир туман ҳокимлиги дам олиш уйларига бериладиган йўлланмаларнинг ҳисоб-китобини қилмоқда. У аниқ бўлган, ҳар бир хўжаликка қўшган ҳиссасига қараб тақсимланади. Хўжалик раҳбарлари эса, бу йўлланмаларни энг муносибларга беришади. Бунга шубҳа йўқ. Зеро, меҳнатда намуна бўлганлар мириқиб ҳордиқ чиқаришга ҳам ҳақлидирлар.

Абдусамад ЙЎЛДОШЕВ,

«Тошкент ҳақиқати»нинг махсус мухбири.

СУРАТЛАРДА: (юқорида) Т. Охунова номли ширкат хўжалиги механизатори Эржон Усмонов (ўнгда) чилангар Камолитдин Абдуҷабборов билан таъмирдан чиққан сеялкани кўздан кечирмоқда; хўжалик бошқаруви раиси Эшмуҳаммад Бердиев (чапдаги суратда ўнгда) бош механик Отаҳон Омоновга кўрсатма бераётир; ўнгдаги суратда Навоий номли ширкат хўжалиги бош механиги Уразимбет Мирзобоев (чапда) механизатор Одил Валиев билан.

Пўлат РАҲИМОВ олган суратлар.

БЕШИНЧИ ОМИЛ

Чиноз тумани механизаторлари мавжуд барча техника воситаларини барвақт тўла таъмирдан чиқариб, кузги шудгорни ҳам вилоятда биринчи бўлиб якунладилар

нерданга тўғри келди. Бирорта туман, ҳатто қулай келган йилларда ҳам бундай ҳосилдорликка эришган эмас. Энг муҳими, туман пахтачиликнинг ўзидан 740 миллион сўм соф фойда кўрди. Бунинг асосий сабабларидан бири шуки, қабул пунктларига етказиб берилган пахтанинг ҳар тоннаси ўртача 230 минг сўмдан сотилди. Бу — вилоятда энг юқори нарх. Иккинчи сабаб — ерларни чигит экишга тайёрлашдан бошлаб, то ҳосил йиғиб-териш олингунча бўлган бутун мавсум давомида бор техника воситаларининг ҳамма тури оқилона ишлатилди. Бу биринчидан, ҳамма майдонларда мўл ҳосил тўпланиши ва айниқса, унинг эрта пишиб етилишини таъминлади. Шундай қилиб, туман деҳқонлари пахтачиликда техниканинг ўрни алоҳида эканлигига яна бир бор ишонч ҳосил қилдилар.

Хўжаликларнинг раҳбар ва мутахассислари йиғим-терим охирида, ана шу фикр-мулоҳазалар ҳақида бош қотириб, ўзларича режа туза бошлаган пайтда туман ҳокимлиги ҳеч ким кутмаган ташаббус билан чиқди. Аниқроғи, «Бутун куч — техникани таъмирлашга!» шiori ўртага ташланди. Лекин бу иш кўр-кўрона қилинган йўқ. Замини пухта ўйлаб, шундай қарорга келинган эди. Тасаввур қилинг, пахта терими эндигина тугаган. Энди кузги ғалла экишни тезроқ якунлаш керак. Бу ёқда майдонларни ғўзапоёдан иложи борица тозалаб, зудлик билан кузги шудгорга киришиш зарур...

Ўша кезларда хўжаликларнинг раҳбарлари, бош мутахассислари туман ҳокимлигига таклиф этилди. Улар иштирокида мавжуд имкониятлар кенг ва чуқур таҳлил этилди. Ғалла экишни бир ҳафта-ўн кун ичида якунлаш, кузги шудгорни эса 20 декабргача тугатиш тўғрисида келишиб олинди.

(Давоми. Боши 1-бетда).

чанг-тўзон, қишда лой бўлиб, кўплаб яроқсиз темир-терсақлар бетартиб сочилиб ётадиган паркларнинг сахни тоза ва саранжом-саришта ҳолга келди. Айрим хўжаликлар кераксиз темир-терсақларни тегишли жойга топшириб, миллион сўмгача қўшимча даромадли бўлдилар. Бу маблағлар эса зарур эҳтиёт қисмларни харид қилишда асқотмоқда.

— Қаранг, ҳамма ишни ақл-идрок ва тартиби билан қилса бўлар экан, — дейди Навоий номли ширкат хўжалиги бошқаруви раиси Мирзаодил Ақромов. — Илгари техникани таъмирлаш ишларини кечга суриб, кузги шудгор ва яна бошқа иккинчи даражали ишлар кетидан елиб-югурардик. Техникани созлашга навбат келган пайтда эса, қишнинг қаҳратон кунлари бошланиб кетиб, механизатор ва таъмирловчилар, уларга қўшилиб, биз раҳбар ва мутахассислар ҳам совуқда қийналиб кетардик. Бу йил эса, ҳокимликнинг ташаббуси билан ҳамма ишлар маромида битти қолди. Биз техника таъмирини тугатганимиздан сўнг икки кун ўтгач қор ёғиб ҳаво совуб кетди.

Биз яқинда Навоий номли хўжалик паркида бўлдик. Мола, чизил, сеялка, культиватор, чоппик трактори ва дон комбайнлари тўла таъмирланиб, бостирмалар остига тартиб билан териб қўйилган. Ишчи органлари бут. Яқиндагина бўёқдан чиққан. Ҳар йили қанда қилмай, бўяб туриладиган техниканинг эса, умри узоқ бўлади, албатта.

Фақат бу ердагина эмас, тумандаги барча хўжаликларнинг техника паркларида ҳам ҳозир шундай манзара. Туман бўйича 800 та борона, 70 та сеялка, 98 та култиватор қўлдамга дала ишларига тахт қилиб қўйилган. Лекин бу ҳаммаси эмас. Ҳокимликнинг тавсияси билан ҳар бир хўжалик ўзининг у ёки бу техника воситасига нисбатан эҳтиёжини ҳисоблаб чиқиб, ёзма маълумотнома тақдим этди. Ҳокимиятда эса, улар жамла-



Олимпиада

КИМ БИЛИМДОН, КИМ ЗУККО?

Зангиота туманида юқори синф ўқувчиларининг фан олимпиадаси бўлиб ўтди.

— Унда 45 та мактабнинг 9-10-11-синфларда таълим олувчи ўқувчилари қатнашдилар. — дейди Нодира номидаги 15-ўрта умумтаълим мактаби илмий бўлим мудири Шоира Жўраева. — Мактабимизда тарих, ҳуқуқ, иқтисодий билим асослари, география ҳамда чизмачилик фанлари бўйича 200 га яқин ўқувчи-ёшлар

ўз маҳоратларини намойиш этишди.

Бу йил олимпиадага ҳар бир ўқувчи ўзига хос тайёргарлик кўрганлиги, мустақил, амалий иш ҳамда тест синовларини ечишдаги маҳоратлари, дадил, пухта жавоблари барчамизни бирдек қувонтирди.

Ҳасанбой ЖЎРАЕВ.

Ўқув-машғуллот

ОИЛАДА ТАЪЛИМ ДАСТУРИ

ЮНИСЕФнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси томонидан Зангиота туманида «Оилада таълим дастури» мавзусига бағишланган беш кунлик ўқув-машғуллот бўлиб ўтди.

Унда тренинг фаолият дастури бўйича ёш болаларнинг умумий ривожланиши тўғрисидаги маълумотларни ўргатишга оид малакаларини ривожлантириш, болаларнинг ривожланиш тамойилини қўллаб-қувватлаш, иштирок этиб ўрга-

тиш усулини кучайтириш ва қайта кўриб чиқиш, оилавий таълим машғуллотларини кузатиш, уни татбиқ этиш режасини ишлаб чиқиш масалалари ўрганилди.

Ўз мухбиримиз.



КУРАШ ЧОРАЛАРИ КУЧАЙМОҚДА

АҚШ ҳукумати оммавий қирғин қуролилари тарқалишига қарши кураш чораларини кучайтирмоқда. Вашингтонда мазкур масалага бағишланган халқаро учрашув бўлиб ўтди.

Унда Австралия, Буюк Британия, Германия, Испания, Италия, Нидерландия, Польша, Португалия, Франция ва Япониядан мутахассислар қатнашди. Дания, Канада, Норвегия, Сингапур ва Туркия вакиллари кузатувчи сифатида иштирок этди. Анжуманда оммавий қирғин қуролилари тарқалишининг олдини олиш мақсадида АҚШ илгари сурган халқаро юк ташиш жараёнларини қаттиқ назорат қилиш бўйича ташаббусни ҳаётга татиқ этиш масаласи муҳокама қилинди.

Оқ уй маъмуриятининг ушбу таклифини президент Жорж Буш шу йил 31 мартда Европа бўйлаб сафари чоғида илгари сурганди. Унга кўра, оммавий қирғин қуролилари ташишда гумон қилинган ҳаво, сув ва қуруқликда ҳаракатланувчи барча транспорт воситалари қўлга олинishi керак.

МЕТАЛЛ ҚИММАТЛАШДИ

Жаҳон биржаларида қутилмаган вазият юзага келди. Саддам Хусайн ҳибсга олинishi ҳақидаги хабар биржалардаги савдога ижобий таъсир кўрсата бошлаган эди. Бироқ сўнгги икки кун ичида бунинг мутлақо акси кузатилмоқда.

Ўзгаришлар жаҳон бозорида металл нархининг кескин кўтарилиши билан бошланди. Лондон биржасида бир тонна никел баҳоси 14295 АҚШ доллариға тенг эди. Охириги савдода эса унинг нархи 795 доллар кўтарилди. Бир тонна миснинг нархи эса 2207 АҚШ доллариға баҳоланмоқда. Европа биржаларида олтин баҳоси ҳам ошиб, унцияси 407,95 долларға тенглашди.

Металл нархи шиддат билан ўзгариб бораётгани қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари баҳосига салбий таъсир кўрсатмоқда. Европининг долларға нисбатан қимматлашуви оқибатида эса қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари экспорти камайиб кетди. Масалан, Россия Европа Иттифоқи мамлакатларидан чўчка гўштини умуман харид қилмай қўйди. Оқибатда Европа мамлакатларида, хусусан, Франция ички бозорида гўштининг улгуржи нархи анча тушиб кетди.

ДАСТЛАБКИ БЕМОР — ОЛИМ

Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти (ЖССТ) Тайван оролида ғайриоддий зотилжам билан боғлиқ илк ҳодиса рўй берганидан таъвишда.

ЖССТнинг Маниладаги вакили Питер Кординли Тинч океанининг ғарбидаги минтақа, хусусан, Тайван ороли ташкилот томонидан қаттиқ назоратга олинганини маълум қилди.

Хавотирға эса асос бор. Ўтган йили эпидемия лабораториядаги тадқиқотлар натижасида тарқалган эди. ЖССТ бу йил ундай ҳодиса такрорланмаслигига ишонса-да, минтақа олимларини ўта ҳушёр бўлишга чақирди.

Вирус юқтирган одам Тайван миллий муҳофаа университети хузуридаги лабораторияда ишлайдиган 44 ёшли шифокор олим экан. У Сингапурда илмий конференцияда қатнашиб қайтган, орадан уч кун ўтиб бетоб бўлиб қолган.

Сингапурда ҳам касалликнинг олдини олишга ҳаракат қилинмоқда. Соғлиқни сақлаш вазирлиги 70 кишини эҳтиёт юзасидан махсус касалхонага ётқизди.

ЮЗ ЙИЛ АВВАЛГИ ПАРВОЗ

Шу кунларда АҚШда авиациянинг юз йиллиги кенг нишонланмоқда. Илк парвоз айнан АҚШда амалга оширилган эди.

1903 йилда америкалик ака-ука Вилбур ва Орвилл Райт ўзлари яратган учувчи қурилмада парвоз қилган эди. Уларнинг «Flyer» («Учувчи») номли аэроплани атиги ўттиз олти метрга учиб борган.

Аэропланга ўн олти от кучига эга двигател ўрнатилган бўлиб, у биплан (қўшқанот) усулида қурилганди. Самолёт двигатели керосин билан ишлади. Унинг дастлабки парвози ўн икки соғия давом этганига қарамай, бу воқеа инсониятнинг биринчи парвози бўлиб тарихга кирди.

Ака-ука Райт аэропланида яна уч марта парвоз қилди. Ниҳоят, учинчи гал муваффақиятга эришилди. Парвоз деярли тўлиқ бир дақиқа давом этиб, самолёт салкам икки юз олти метр масофага учиб борди. Мазкур тарихий воқеа Шимоллий Каролина штатининг Килл Дэвил Хилл шаҳарчаси яқинида содир бўлган эди.

Ака-ука Райтнинг кашфиёти нафақат АҚШ, балки дунё авиацияси тараққиётига асос солди. Илк парвоз эса АҚШнинг технология соҳасида қудратли мамлакатлардан бирига айланишида муҳим омил бўлди.



Германияда хали ҳам шамолда ишлайдиган тегиримонлардан фойдаланишади.

Шарҳловчи минбари

ИРОҚНИНГ ТАШҚИ ҚАРЗИ КАМАЯДИ

Ироқнинг суверенитетини тиклаш ва мамлакатнинг қонуний ҳукумати ташкил этиш жараёни жадаллашмоқда. Кунги кеча Ироқ ташқи ишлар вазири Хошиёр Зебарий янги конституция лойиҳаси ва мамлакатда демократик сайлов ўтказишга тайёрланиш бўйича иш режасини БМТ Хавфсизлик кенгашига тақдим этди.

Ироқ ташқи сиёсат маҳкамаси раҳбари Хавфсизлик кенгаши аъзоларини мазкур ҳужжатнинг бандлари билан батафсил таништириб чиқди.

У 2004 йил 28 февралгача Хавфсизлик кенгаши томонидан маъқулланиши керак. Сайловга тайёргарлик тартиби, Ироқдаги ўтиш даври маъмурияти амал қиладиган ваколат ва тамойиллар ҳам ҳужжатда акс этиши лозим.

Режага кўра, 2004 йил май ойида Миллий ассамблеяни шакллантириш ишлари ниҳоясига етказилиши керак. 30 июнгача эса Ироқдаги ўтиш даври ҳукумати тўла маънода мустақил бўлади. Шундан кейингина муваққат фуқаровий маъмурият ҳамда бошқарув кенгаши тарқатилади.

Келаси йили 15 мартгача мамлакатда конституциявий орган ташкил этилади. У бош қонуннинг якуний матнини ишлаб чиқиши лозим. Сўнг маз-

кур лойиҳа умумхалқ референдумига қўйилади. Ниҳоят, 2005 йилга бориб, Ироқнинг янги конституцияси асосида мамлакатнинг янги ҳукумати учун сайлов ўтказилади.

Айни пайтда халқаро ҳамжамиятнинг Ироқ иқтисодиёти-ни тиклаш йўлидаги саъй-ҳаракатлари тўхтагани йўқ. Ироқ халқ хўжалиги ҳозир оғир аҳволда. Мамлакатнинг ташқи қарзи ҳам анчагина. Уни камайитириш иқтисодиётни оёққа турғашда муҳим омил бўлиши муқаррар. Халқаро ҳамжамият бу борада ҳам жиддий бош қотирмоқда. Яқинда АҚШ, Франция ва Германия Ироқнинг ташқи қарзларини қисман камайитиришга келишиб олди. Франция президенти девонидан маълум қилинишича, бу ҳақда аниқ қарорга келаси йили бўлиб ўтадиган "Париж клуби" учрашувида келинади. Кунги кеча Парижда Франция президенти Жак Ширак билан АҚШ президентининг махсус вакили Жеймс Бейкер ўртасида бўлиб ўтган суҳбатда ана шу масала муҳокама қилинди.

Ироқ қарзларининг бир қисмидан кечиш ва тўлов муддатини узайтиришга Германия ҳукумати ҳам тайёр эканлигини билдирмоқда. ГФР расмий вакили Бел Анданинг маълум қилишича, канцлер Герхард Шрёдер билан Жеймс Бейкер учрашувида ушбу масала юзасидан фикрлар бир жойдан чиққан.

Саидмурод РАҲИМОВ,
ЎЗА шарҳловчиси.

ҲУРМАТЛИ ИШБИЛАРМОН ВА ТАДБИРКОР ЖАНОБЛАР!

Республика Кўчмас мулк биржасининг Тошкент вилоят филиали Сиз азизларни 2004 йил 20, 27 январь соат 12.00 да ўтказиладиган навбатдаги аукцион савдоларига таклиф этади. Савдога банкрот деб эълон қилинган Бурчмулло «Заргарлик заводи»га қарашли бўлган қуйидаги мол-мулклар қўйилади:

№	Объект номланиши	Ишга туширилган вақти	Дона	Бошланғич баҳоси
Асбоб-ускуналар				
1.	Вентилятор	1985	1	60000
2.	Рама лесопильная	1985	1	720000
3.	Распределительный пункт	1985	1	60000
Ушбу 3 объект комплекс сотилади.				
4.	Токарлик станогли (тахтага ишлов берувчи)	1985	1	360000
5.	Станок «Универсальный»	1985	2	656000
6.	Станок фрезерный	1974	1	144000
7.	Станок заточный	1974	1	60000
8.	Станок заточный	1992	2	135000
9.	Станок токарный	1974	1	45000
10.	Пресс ножница	1974	1	127500
11.	Холинговальный станок	1970	1	123000

12.	П/автомат кругло шлифовальный	1991	1	612500
13.	П/автомат для заточки	1991	1	480000
14.	Приспособл. Для заточки	1991	1	156000
15.	Станок горизонт. Фрезерный	1978	1	135000
16.	Распределительный пункт	1974	3	81000
17.	Распределительный пункт	1983	3	81000

Ушбу №4-17 пунктлардаги объектлар комплекс сотилади

Автотранспорт				
18.	Зил - 130 (автокран)	1974	1	700000
19.	Зил - 130 (автокран)		1	2200000
20.	Зил-130В1 (тягач)	1978	1	800000

Эслатма: кўчмас мулк объектларига ва автотранспорт воситаларига ариза қабул қилиш аукцион савдосидан бир соат олдин тўхтатилади.

Бизнинг манзил: Тошкент шаҳар, Мовароуннаҳр кўчаси, 19-уй, Тошкент вилоят ҳокимияти биносининг ўнг қаноти.

Мурожаат учун телефонлар: 133-28-52, 133-77-18, факс: 133-43-73.

21.	Зил-130	1980	1	900000
22.	Зил-1314 (вахтовка)	1990	1	1100000
23.	Зил-431410 (цементовоз)	1991	1	550000
24.	Зил 4502 д/р №87-22	1991	1	962500
25.	КамАЗ д/р №15-66	1981	1	532000
26.	КамАЗ д/р №90-46	1990	1	3285000
27.	Прицеп-трактор	1991	1	78000
28.	ГАЗ-6601 (вахтовка)	1985	1	325000
29.	ГАЗ-66 (бортовая)	1990	1	800000
30.	ГАЗ-52-01 (бензовоз)	1986	1	300000
31.	ГАЗ-5312 (фургон)	1988	1	750000
32.	ГАЗ-5312 (фургон)	1990	1	250000
33.	Трактор АТЗ (Т-40)		1	1200000
34.	Москвич 2140 д/р №84-67	1988	1	38000
Бинолар				
35.	Комплекс бытовых корпусов		5	1971482
36.	Медпункт	1967	1	500190

Bolalik bog'i



*Xirmon-xirmon uyilgan,
Oppoq paxta misoli.
Qishga xos va munosib,
Qor ko'rkinging jamoli.*

*Yer betini qoplasa
Ko'kdan tushib ohista,
Kaftlariga qo'ndirib,
Zavqlanadi Shohista.*

*Zarralar biram momiq,
Sochga qo'nsa o'zga rang.
G'uncha yozgan oq gulga,
Juda ham o'xshar, qarang.*

*Bu ham mayli, zarralar,
O'xshamas bir-biriga.
Yeta olmay xayronman,
Shu holatning siriga...*

Asom ZIYOMAT.



Еркебой БОТИРОВ
олган сурат.

БИР ҚЎЛДА, МЕХР БИЛАН

Шу кунларда Ўзбекистон Бадий академиясининг марказий кўргазмалар залида «Миср — болалар нигоҳида» деб номланган кўргазма намоиш этиляпти. Кўргазмага «Иқтидор» номли ногирон, имконияти чегараланган болаларни қўллаб-қувватлаш маркази ижодкорларининг асарлари қўйилган.

1999 йилдан ўз фаолиятини бошлаган ушбу марказда ногирон болаларга 7 ёшдан бошлаб 8 та йўналиш бўйича бепул таълим берилади.

— Ҳар бир инсон ўз умрини мазмунли ўтказишга ҳаракат қилади, — дейди муассаса асосчиси, мусаввир Турсунали Аҳмадалиев. — Эзгу ишларни амалга ошириб, яхши ном қолдириш илинжида бўлади. Мен ҳам ногирон, ҳимояга муҳтож инсонларга ёрдам бериш мақсадида ушбу марказни ташкил этдим.

Сиз гувоҳи бўлаётган асарларни қўл-оёғи йўқ, ногирон болалар яратишган.

14 ёшли Хайрулло Матвалиевнинг «Киё боқ», «Ўтмиш излари», Лутфулло Қодировнинг «Малика», «Тарих сақланади» каби асарларини томоша қилар экансиз, уларнинг жисмоний машаққатлар билан яратилганини сезмайсиз. Шахло Мадумарова эса, бир қўли ёрдамида гилам тўқиш санъатини пухта эгаллаган.

Дилфуза ШОХАЛИМОВА.

Сутдай оппоқ «Жигули»ни яқиндагина очилган «Автомобилларга ёқилғи қуйиш шоҳобчаси» олдига келиб тўхтатдим. Бахтимга бензинга навбат йўқ экан.

Пишиқ гиштдан қурилган кичкина уйчанинг туйнугидан қараб ўтирган мўйловли, озгин, юз-қўзини ажин босган бензин қуювчига хурсандлик билан сўз қотдим.

— Энди шу, 20 литр бензиндан қарашворасиз!

У ажаблангандай дарчадан бошини чиқариб, юзимга тикилиброқ қаради. Кейин паст товушда жавоб берди:

— Бензин керакми, хўп, берамиз, лекин унга керосин ҳам қўшиб оласиз-да!

Хайрон бўлиб унга тикилдим. Керосинга бало борми?

— Оқсоқол! Мен сиздан бензин сўраяпман. Керосин керак эмас! — дедим.

— Шундай денг, — у ба-

майлихотир сўзида давом этди. — Керосин керак эмас, денг. Ундай бўлса, солярка қўшиб оларсиз!

— Отаҳон, менга бир том-

— Нима? Нега энди бензинга нигрол қўшиб олишим керак экан? Мен сиздан фақат бензин сўраб турибман, гапга тушунасизми ўзи,



Ҳажвия

чи ҳам солярканинг кераги йўқ. Бензин керак! Бензин!! — дедим бироз асабийлашиб.

— Бензин ҳаммага керак. Хўп дедим-ку. Ё сизга бензин бермайман, дедимми? Берамиз. Лекин солярка керак бўлмаса, озроқ нигрол қўшиб оласиз-да? А, лаббай?

бен-зин!

— Ҳой, барака топкур, нега бақирасиз! Хўп, сизга нигрол керак эмас экан, билдик. Шунга шунчами? Унда бошқа нарсга қўшиб берармиз. Қани, беш-олти литр солидол сиғадиган бирор идиш топинг!

Бирдан тутакб кетдим.

— Сиз кимни майна қилмоқчи бўлаяпсиз? Бензин сўраган харидорга бошқа нарсга қўшиб беришга нима ҳақингиз бор? Мени биласизми, ўзи. Мен туман бош универмагининг катта сотувчиси бўламан-а! — дея бақириб юборганимни билмай қолдим.

— Ҳа-а, ҳали шундай денг? Биламиз, — деди у ўрнидан ирғиб туриб, мўйловларини диққайтирганча жаҳл билан. — Хўш, ундай бўлса, дўконингизда камёб «хорижий» термосларга ўтмай қолган белкуррак, паншаха, алифмой, болалар тувакчаларини қўшиб сотишга нима ҳақингиз бор? Ё сизга мумкин-у, бизга мумкин эмасми? Бензин олмоқчи бўлсангиз, солидол учун идиш топинг, тамом!

Мен серрайганча қотиб қолдим...

Даврон АБДУЛЛАЕВ.

Уқинг, қизик

СИМЕНОННИНГ ШУҲРАТИ

Бельгиялик машҳур адиб Жорж Сименон давримизнинг энг сермахсул ёзувчиларидан ҳисобланади. Унинг асарлари 500 миллион нусхада дунёнинг 55 тилида нашр этилган. Бу асарлар сюжети асосида 50 дан ортиқ бадий ва 300 телевизион фильмлар яратилган. Айниқса, комиссар Мегрэ тўғрисидаги китоблари адибга катта шуҳрат келтирди.

Д'АРТАНЬЯННИНГ ҚАҲРАМОНЛИКЛАРИ

1939 йили Франциянинг жанубидаги Ош шаҳарчасида д'Артаньянга бронзадан ҳайкал қўйилди. Хўш, д'Артаньян ким ўзи?

... Кунларнинг бирида Александр Дюма қирол кутубхонасида китоб титкилаб, Людовик XIV даврига оид маълумот қидирарди. Шунда 1704 йилда чоп этилган «Қирол мушкетёрлари биринчи ротасининг капитан-лейтенанти жаноб д'Артаньяннинг хотиралари» унинг диққатини тортди. Китобда мушкетёрнинг портрети ҳам бор эди. Қулиб турган кўзлар, елкасига ча тушган соч, ҳарбий унвонлар. Бу хотиралар д'Артаньяннинг ўзиники бўлмай, у Гаспен де Куртиля де Сандра деган шахснинг иншолари эди. Гаспен машҳур мушкетёрни яхши билгани сабабли д'Артаньяннинг номидан битганди. Шундай қилиб, мушкетёр д'Артаньяннинг саргузаштлари Дюманнинг ёзилажак романи учун асос бўлиб хизмат қилди. Агар мушкетёрнинг ҳаётдаги қаҳрамонликлари бўлмаганида, балки Дюма ўз адабий қаҳрамонини бунчалар моҳирлик билан тасвирлай олмасмиди, яна ким билди, дейсиз?!

«YANGI DUNYO-TURIZM» ХФ
(ОКПО 17822019)
ТУГАТИЛАДИ.

Даъволар икки ой мобайнида 45-47-02 рақамли телефон орқали қабул қилинади.

«Тошкент ҳақиқати»нинг
навбатдаги сони
27 декабрь кун чикади.

Зарур чоралар кўрилди

Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти ва оммавий ахборот воситалари маълумотларига қараганда, Ер шарида яна грипп эпидемияси тарқалиш хавфи пайдо бўлмоқда. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигидан олинган хабарга кўра, республикада бу борадаги вазият анча барқарор. Шундай бўлса-да, киш мавсумида ўткир респираторли вирус инфекцияларининг бироз ўсиши кузатишмоқда.

— Вазирлик ҳузурида грипп касаллиги ва ўткир респираторли вирус инфекциялари тарқалишига қарши кураш бўйича республика штаби ташкил этилган бўлиб, у туну кун ишлаб турибди, — дейди Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазири ўринбосари, Республика бош давлат санитария врач Бахтиёр Ниёзматов. — Жойлардан грипп ва ўткир респираторли касалликлар бўйича вазият тўғрисида тезкор маълумот йиғиш ҳамда уни таҳлил қилиш штаб вазифасига қиради. Етаки мутахассислардан ҳудудларга бириктирилган маслаҳат бри-

гадалари тузилди. Мактаблар, болалар боғчалари, шифохоналар, умумий овқатланиш жойлари, транспорт, вокзаллар ва бошқа ижтимоий аҳамиятга эга объектларда дезинфекция ва эпидемияга қарши тартибга риоя қилиш устидан назорат кучайтирилди. Барча дорихоналарда гриппга қарши дори-дармонлар заҳираси ташкил этилиб, куну тун ишлайдиган дорихоналар сони кўпайтирилди.

Даволаш муассасалари, вирусология лабораториялари тўлиқ шай ҳолатга келтирилди. Жумладан, вилоятлардаги барча лабораториялар ташхис ускуна-

ри ва реактивлар билан зарур миқдорда таъминланди ҳамда бунинг натижасида олинган материалларда грипп вирусларини аниқлаш йўлга қўйилди. Юқумли касалликлар шифохоналарида беморларни касалхонага ётқириш зарурати пайдо бўлиши ҳисобга олиниб, қўшимча жойлар тайёрлаб қўйилди. Бундан ташқари, энг тажрибали шифокорлардан байрам ва дам олиш кунлари ҳамда уйда тиббий ёрдам кўрсатиш учун қўшимча гуруҳлар тузилди.

Шуни таъкидлаш керакки, кузда касалланиш хавфи юқори бўлган гуруҳга қирувчи фуқаролар гриппга қарши эмланган эди. Шу кунларда шифокорлар жамоатчилик вакиллари билан биргаликда одамларни санитария-гигиена қоидаларига қатъий риоя қилиш ва гриппнинг олдини олиш чоралари тўғрисида огоҳ этиш учун кенг қўламли тарғибот ишларини ўтказмоқда.

Ў.А.

16-ҳаво

Гидрометеорология Бош бошқармасининг хабар беришича, 20 декабрь кун Тошкентда ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик бўлмайди. Шарқдан секундида 3-8 метр тезликда шамол эсади. Кечаси 2-4 даража совуқ, кундузи 14-16 даража илиқ бўлади.

Тошкент вилоятида ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик бўлмайди. Шарқдан секундида 7-12 метр тезликда эсаётган шамолнинг тезлиги кучайиб, айрим жойларда секундида 15-20 метрга етади. Кечаси 1 даража совуқ билан 4 даража илиқ, кундузи 12-17 даража илиқ бўлади.

Тоғли ҳудудларда ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик бўлмайди. Шарқдан секундида 7-12 метр тезликда шамол эсади. Кечаси 2-7 даража совуқ, кундузи 6-11 даража илиқ бўлади.

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ
ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА

Муассис
ТОШКЕНТ
ВИЛОЯТИ
ҲОКИМЛИГИ

Бош муҳаррир
Фатҳиддин
МУҲИДДИНОВ

Телефонлар:
Хатлар ва оммавий
ишлар бўлими: 133-40-48.
Эълонлар:
133-70-10, 136-53-54.

Манзилими:
700000, Тошкент
шаҳри, Матбуотчилар
кўчаси, 32.

Тошкент вилояти ҳокимлиги ҳузуридаги
Матбуот ва ахборот бошқармасида
03-001 рақами билан рўйхатга олинган.
Газета «Тошкент ҳақиқати»
тахририяти компьютер
марказида терилди ва
саҳифоланди.

• Эълон ва билдирув-
лардаги факт ҳамда далил-
ларнинг тўғрилиги учун
реклама ва эълон берув-
чилар масъулдир.